



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уммат бирлигида фатвонинг аҳамияти катта

Қоҳира шаҳрида ўтган нуфузли анжуманда Муфтий ҳазратлари нутқ сўзлаб, бир қанча таклифларни илгари сурдилар.

– Ҳаммамизга маълумки, ахборот хужужлари чегара билмайди. Бу эса бутун дунёни, хусусан, Ислом оламини ташвишга солмоқда. Бунинг натижасида турли ихтилоф ва муаммолар келиб чиқмоқда. Бундай масалаларга ечим топишда фатво идораларининг ўрни ниҳоятда бекиёс. Башарият ҳаётининг фаровонлиги, Ислом дунёсида тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва мусулмон умматининг бирлиги ва бирдамлигида фатвонинг аҳамияти жуда катта.

Таассуфки, олдимизда турган муаммолар шариат мақсадларини тўлиқ англамаган ёки диннинг ҳаёт билан боғлиқ ҳақиқатларини тушунмаган шахсларнинг фатво бериши сабабли келиб чиқмоқда. Етарли илмга эга бўлмаган шахслар томонидан бирёқлама ёки қарама-қарши фатволар эълон қилиниши мусулмонларни ўзаро ихтилофга солиб, уларни тўғри йўлдан адаштирмоқда. Бу эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган Ислом руҳиятига ва таомийилларига мутлақо зиддир. Бундай муаммоларнинг олдини олишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, васатийликни кенг тарғиб қилиш. Ислом мўътадил ва кенгбағир диндир. Унинг барча ҳукмлари васатий-

лик ва енгиллик устига қурилган. Васатийлик Ислом умматининг шиори. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

“Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат қилдик” (Бақара сураси, 143-оят). Васатийлик – ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўйиш ўртасидаги энг ўзал мўътадил йўл.

Васатийликдан узоқлашиш натижасида исломофобия, экстремизм, такфир, мутаассиблик, ғулув кетиш, мазҳабсизлик каби иллатлар урчиқмоқда. Бироқ кейинги пайтларда пайдо бўлган, мазҳабларни қориштириб, энг енгил ҳукмларни танлаб олишга асосланган “васатийлик”дан огоҳ бўлишимиз керак. Бу йўлдаги ишларимизни тизимли ва амалий тарзда янада жонлантиришимиз зарур.

Иккинчидан, ҳозирги кунда ҳадисни инкор қиладиганлар кўпайгани ташвишли ҳолат. Ислом бизга фақат Қуръоннинг ўзи билан эмас, балки ҳадис билан биргаликда асрлар давомида етиб келган. Мазкур манбаларга таяниб, Ислом уламолари динимизнинг барча замонун маконга тўла жавоб бера олишини амалий равишда ишботлаб келмоқдалар.

Оқил киму нотавон ким?

Бу дунё охират экинзориدير. Гўё қалб ерга ўхшайди, иймон эса унга сочилган уруғ кабидир. Тоат-ибодатлар эса, ана шу ерни ағдариш, унга ариқ очиб сув келтиришдир.

Дунё муҳаббатига ғарқ бўлган қалб гўё гиёҳ унмайдиган унумсиз ер кабидир. Қиёмат куни ҳар ким ўзи эккан нарсанинг ҳосилини олади. Табиийки, иймон уруғини сочган кишигина унинг ҳосилини кўради. Унумсиз ерда уруғ унмаганидек, чиркин қалб ва ёмон ахлоқнинг иймонга нафи тегмайди.

وَالْبَلَدُ الطَّيِّبُ يَخْرِجُ نَبَاتَهُ بِإِذْنِ رَبِّهِ وَالَّذِي خَبَثَ لَا يَخْرِجُ إِلَّا نَكِدًا كَذَلِكَ نُصَرِّفُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَشْكُرُونَ

“Яхши ернинг гиёҳи Раббининг изни билан униб чиқаверади. Ёмон ер эса фақат унумсиз бўлур. Шукр қилувчи қавм учун оятларни шу тарзда баён этурмиз” (Аъроф сураси, 58-оят).

Банданинг мағфиратдан умидворлигини ер эгасининг ҳосил унишидан умидвор бўлишига қиёслаш мумкин. Унумдор ерга эга бўлган киши, аввало, унга сифатли, зарарланмаган, заҳарланмаган уруғни танлаб экади. Кейин экиннинг униб-ўсиши учун зарур бўлган бошқа ишларни амалга оширади. Жумладан, суғоради, ўғитлайди, бегона ўтлардан тозалайди, кўчатнинг яхши униб-ўсишига

монелик қиладиган нарсаларни бартараф қилади. Сўнгра Аллоҳ таолодан экинини осмондан келадиған офатлардан, чақмоғу довуллардан асрашини сўраб дуо қилади. Мана шунинг оти ҳақиқий умидворлик деб аталади. Аммо уруғни унумсиз, қақраб ётган ерга сочсаю, унга на сув қуйса ва на уни парвариш қилса, шундан кейин ҳам серҳосилни умид қилса, бу умидворлик дейилмайди, балки бу аҳмоқликдан бошқа нарсас эмас.

Демак, ражо – умидворлик тушунчасининг банда ўз имкониятидаги жами сабабларни бажариб бўлгач, имконияти бўлмаган, фақат Аллоҳ таолонинг фазли орқали эришиши мумкин бўлган нарсани кутишга ишлатилиши тўғри бўлади.

Банда қалбига иймон уруғини қадаб, уни тоат суви билан суғорса, қалбни жирканч хулқ-атворлар тиканларидан тозаласа ва шундан кейингина то ўлгунича шу ҳолатда қолиб, мағфиратига сазовор бўлишни Аллоҳнинг фазлидан деб умидвор бўлса, ана уни ҳақиқий ражо – умидворлик дейиш мумкин. Аммо қалбдаги иймон уруғини парвариш қилишни унутса, уни разолат тиканлари қуршовидан халос этмаса, дунё ҳой-ҳаваслари талабида умрини ўтказса-ю, сўнгра Ҳақ таолонинг мағфиратидан умидвор бўлса, бу шунчаки ёлғончи “умидворлик” бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:

الْكَيْسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ، وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ مَنْ أَتْبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا، وَتَمَيَّ عَلَى اللَّهِ. (رواه الترمذي)

“Оқил ўзини назорат қилиб, ўлимдан кейинги ҳолати учун амал қилган кишидир. Ожиз-нотавон киши эса, ҳавоий нафсига эргашиб, Аллоҳдан яхшиликлар умид қилган кишидир” (Имом Термизий ривояти).

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон муслмонлари идораси
раиси ўринбосари



Мундарижа

Халқаро анжуман Умнат бирлигида фатвонинг аҳамияти катта	1
Таянч нуқта Оқил киму нотавон ким?	2
Тафсир Фаришталар хушхабари билан суюнувчи зотлар	4
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 80 йиллиги Фатво маркази: қамров янада кенгаймоқда	6
Ёмонликдан қайтариш Ғийбат ўзаро муносабатларга рахна солади	10
Хайрли таклифлар Убудият кўпаяди, ихлос кучаяди... ..	11
Огоҳлик – давр талаби Фитна – кўз илғамас хатар	12
Саҳобалар ҳаёти Саҳл ибн Ҳунайф	14
Масала Сўраган эдингиз... ..	16
Ибратли ҳикоялар Сиз ҳам муҳлат беринг!	18
Дунёдан дараклар Ислом ва олам	20
Тадқиқот Ҳаким Самарқандий – буюк мутакаллим	21
Тушунча Неъмат	23
Динимизни ўрганамиз Қуръонда келган фарз улушлар	24
Саховат Дуоларимиздаги инсон	25
Шеърят Йўлбошчимдир икки олам Сарвари	26
Саодат асрига саёҳат Каъб ибн Ашрафнинг бартараф қилиниши	30
Ғанимат дақиқалар Куннинг баракаси тонг билан	32

8

Танлов ғолиблари

**Ойдан-да гўзалдир
Пайғамбаримиз**

соллаллоҳу алайҳи ва саллам

Мулоҳаза

**22 Яшашдан мақсад фақат
ҳой-ҳавасларми?**

Митти тадқиқот

**27 Муқаттаот
ҳарфлари
ҳақида**

Дарсхона

**29 Намознинг
ўз вақтида
ўқиши
ҳақида**

8 декабрь –
Конституция куни

**28 Амал
дафтарингиз
ёпилмасин**

“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига
эга... Давлат бепул умумий ўрта
таълим ва бошланғич профес-
сионал таълим олишни кафолат-
лайди. Умумий ўрта таълим маж-
бурийдир” (50-модда).



Журналда оятлар, ҳадислар бор. Ножойиз жойларга қўйманг!

Фаришталар хушхабари

«Албатта: “Раббимиз – Аллоҳ” деб, сўнгра тўғри бўлган зотлар ҳузурига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): “Қўрқмангиз ва ғамгин ҳам бўлмангиз! Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланингиз!”» (Фуссилат сураси, 30-оят).

Мўминлар – “Раббимиз – Аллоҳ” деб, Парвардигорнинг Яратувчи, Ризқлантисувчи ва Тарбиячи эканига иймон келтирган, мана шу эътиқодларида содиқ қолган, қалблари ростлик билан Парвардигорга боғланган, амаллари ихлосга асосланган зотлар.

«Албатта: “Раббимиз – Аллоҳ” деб, сўнгра тўғри бўлган зотлар». Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ: “Аллоҳга иймон келтириб, сўнг У Зотга бўйсунган зотлар”, деган. Имом Калбий раҳимаҳуллоҳнинг ривоятида Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бундай дейди: “Аллоҳ зиммаларига фарз қилган амалларда тўғри зотлар”. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ушбу оятни ўқигач: **«Сўнгра тўғри бўлган зотлар»** ким эканини биласизми?» деб сўради. Атрофдагилар: “Эй Расулulloҳнинг халифаси, улар ким?” дейишди. Шунда у зот розияллоҳу анҳу: “Тўғри бўлиб, ношукрлик қилмаганлар”, дея жавоб берди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: “Аллоҳ буюрганни бажариб, қайтарганидан қайтган ҳамда Аллоҳга бўйсунишда мунофиқлик қилмаган зотлар”, деган. Усмон розияллоҳу анҳу: “Амалларини Аллоҳ учун холис бажарганлар”, Али розияллоҳу анҳу эса: “Фарз амалларни адо этувчилар”, деган.

Абу Олия раҳимаҳуллоҳ қилган ривоятда: “Динда собит турган ва амални (ҳеч қандай моддий нарсани умид қилмасдан) холис Аллоҳ учун бажарганлар”, яна бир ривоятда: “Аллоҳ белгилаб қўйган чегарадан чиқмай, У Зотга ҳақиқий бўйсунган ҳамда Пайғамбарининг суннاتини маҳкам тутганлар”, дейилган.

Уламолардан бири: “(Аллоҳ учун қилаётган) амаллари ва сўзларида тўғри бўлганлар”, деган. Яна бир ривоятда: «“Берувчи ҳам, ман этувчи ҳам, манфаат берувчи ва зарар етказувчи ҳам Аллоҳ” деб, мана шу сўзида рост турганлар. Аллоҳдан бошқадан манфаат кутмас ва умид ҳам қилмаслар.

Аллоҳдан бошқадан қўрқмаслар». Мужоҳид ва Икрима раҳимаҳумаллоҳ айтишади: “Аллоҳнинг ҳузурига қайтгунча шаҳодат калимасида собит турганлар”. Катода раҳимаҳуллоҳ бундай дейди: “Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ ҳар гал шу оятни ўқиганида: “Ё Аллоҳ, бизга истикомат (тўғрилиқ)ни насиб қил”, деб дуо қилар эди.

“(Ўлим пайтида) **фаришталар тушиб (дерлар)**”. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: **“Жон таслим қилаётган кишига фаришталар келади. Агар у солиҳ бўлса, (фаришталар): “Эй покиза жасаддаги покиза жон, чиқ. Мақтовга лойиқ ҳолатда чиқ. (Сенга) равҳу райҳон хушхабари ҳамда Раббинг розилиги суюнчиси бўлсин!” дерлар**». Имом Калбий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Олдингиздаги азобдан қўрқманг, дунёда қилиб ўтган амалларингиздан ғамгин ҳам бўлманг”, дерлар. Муқотил раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қиёмат куни осмондан ҳафаза (сақловчи) фариштаси тушиб, (бандага қараб): “Мени танияпсанми?” дейди. Банда: “Йўқ”, дегач, у: “Мен сенинг амалларингни ёзиб турувчи фариштаман”, дея унга жаннат хушхабарини беради». Бунга оятнинг давомидаги: **“Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланингиз!”** деган хабар далилдир. Зайд ибн Аслам раҳимаҳуллоҳ: “Хушхабар уч ўринда: ўлим вақти, қабрда ҳамда қайта тирилган кунда”, деган.

Банданинг иродаси, амали ва сўзи Аллоҳнинг шариати ҳамда Пайғамбарининг суннатига мувофиқ келмас экан, мустақим (тўғри) йўлда бўлолмайди. Худ сурасининг 112-оятида бундай дейилади: **“Бас, (эй Муҳаммад!) буюрилганингиздек тўғри бўлинг! Сиз билан бирга тавба қилганлар ҳам (тўғри) бўлсинлар! Ҳаддан ошиб кетмангиз”**. Ояти каримада: “хоҳлаганингиздек” эмас, “буюрилган

билан суюнувчи зотлар

нингиздек”, дейилмоқда. Чунки ҳидоятга йўлланган киши тўғри бўлади ва мустақим йўлда юради. Ўзи қинғир йўлда юрган одам билан тўғри одамнинг фарқини Аллоҳ таоло Каломида бундай баён қилади: **“Ахир, юз-тубан (ерга қараб) юрадиган кимса (кофир) тўғри йўлни топувчиروқми ёки тик ҳолда тўғри йўлда юрадиган (мўмин) кишими?!”** (Мулк сураси, 23-оят).

Мўминларнинг мустаҳкам эътиқоди ҳамда ихлосли амали мукофоти ўлароқ Парвардигор уларни ўлим вақтида ҳам ташлаб қўймайди. Балки фаришталар орқали икки дунёда ҳам хотиржамлик келтирувчи хабарни етказди: “Қўрқмангиз ва ғамгин ҳам бўлмангиз!” яъни келажак ва охиратда ҳолимиз не кечар экан деб қўрқманг, кўнглингиз ғаш ҳам бўлмасин. Амалларимиз натижаси қандай бўлар экан, деб маънос тортманг. Сиз учун келажакда ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Амалларингизнинг натижаси яхши. Чунки сиз: “Раббимиз Аллоҳ”, дедингиз ва шу сўзингизда рост туриб, баракали умр кечирдингиз.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: «Агар ўлим фариштаси мўмин банданинг жонини олиш учун келса, (фаришта бандага) “Раббинг сенга салом айтмоқда”, дейди».

Оятдаги **“сўнгра”** лафзи кечикиш ёки озгина кейинроқ бўладиган ишни ифодалайди. Яъни аввал Аллоҳни Раб ва Илоҳ деб би-

лиш, Ундан бошқа нарсани устун кўрмаслик, сўнгра мана шу эътиқоддан оғишмай собит туришдир. Аксинча, Аллоҳга ишонмай туриб, кўринишдан ҳар қандай тўғри ишни қилишга уринмасин, барчаси бекор. Шунинг учун биринчи ўринда Аллоҳни ёлғиз илоҳ деб билиш, унга ҳеч нарсани шерик келтирмаслик шартдир.

Фаришталар мўминга ўлим вақтида, қабрда ва қиёматда жаннат эшиги олдида турганида ҳам хушхабар беришади. Қуръони каримда айтилади: **«(У) абадийлик боғлари бўлиб, (улар) у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ (банда)лар билан бирга кирурлар. Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар): “(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлғай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!”»** (Раъд сураси, 23–24-оятлар).

Солиҳ амал қилувчи кишига мукофоти – хушхабарини бериш керак. Бу гўзал амал қилувчининг рағбатини янада оширади. Аллоҳ таоло мўминларга қилаётган яхши ишларида яна ҳам ғайратли бўлишлари учун: **“...Мўминларга (охират мукофотлари ҳақида) хушхабар беринг (эй Муҳаммад)!”** (Бақара сураси, 223-оят), деб марҳамат қилган.

Мўмин жаннатга ўз амали билан эмас, Аллоҳнинг фазл ва марҳамати ила киради. Жаннатда нафақат ўзи истаган нарса, балки ундан-да ортиғи билан сийланади. Аллоҳ таоло Қоф сураси 35-оятида: **“Уларга у жойда хоҳлаган нарсалари бордир. Бизнинг даргоҳимизда яна қўшимча (инъомлар) ҳам бордир...”** деб; Юнус сураси 26-оятида эса: **“Эзгу иш қилганларга чиройли нарса (жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир...”** деб марҳамат қилган.

“Баҳрул улум”,
“Тафсири Қуръонил азим” ва
“Тафсири ҳилол” асарлари асосида
Сардоба тумани бош имом-хатиби
Абдумуталлиб ҲОЖИЕВ тайёрлади.



Абдумуталлиб
Ҳожиев 1971 йилда
Сирдарё вилоятида
туғилган.

2001 йили Наманган вилоятидаги
“Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) ўрта
махсус ислом билим
юртини тамомла-

ган. Кўп йиллардан буён диний соҳада
самарали хизмат қилиб келмоқда.

2019 йилдан бери Сардоба тумани
бош имом-хатибидир.



ФАТВО МАРКАЗИ: қамров янада кенгаймоқда

“Фатво” арабча сўз бўлиб, “саволга жавоб бериш” маъносини англатади. Истилоҳда эса шаръий масаланинг ҳукми ҳақида сўраган одамга далилга асосланган ҳолда жавоб беришдир. Фатвонинг мусулмонлар ҳаётида ўрни жуда муҳим, илмсиз ва салоҳиятсиз фатво бериш ёки учраган кишидан фатво сўраш ва унга эргашиб кетавериш адашувга олиб боради.

Фатво бўлими (ҳозирги Фатво маркази)га турли йилларда Салоҳиддин Муҳиддинов, Фозил қори Собиров, Абдулазиз Мансур, Кимсанбой Абдурахмонов, Мустафоқул Қораев, Абдуғани Исмоилов, Ҳомиджон Ишматбеков, Абдулҳамид Турсунов, кейин яна бир муддат Ҳомиджон Ишматбеков раҳбарлик қилди. Сўнгра Ғуломиддин Холбоев мудир этиб тайинланди. Бу пайтга келиб Шайх Нуриддин Холиқназар ва бўлим ходимлари ташаббуси билан Фатво бўлими Фатво марказига айлантирилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фатво бўлими узоқ йиллардан бери халқимизга диний маърифат тарқатиш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Юқорида айтилганидек, аҳолидан тушаётган талабнинг ортиши туфайли 2019 йили Фатво бўлими қошида “Колл-марказ”и ишга туширилиб, душанбадан шанбага қадар юрт-

дошларимиз ўзларини қизиқтирган диний саволларга телефон орқали (78 150-33-44) тезкор жавоб олишига имкон яратилди. 2022 йилнинг 15 мартда бўлим идора қошидаги **Фатво марказига** айлантирилди.

Фаолият қамрови янада кенгайиб, юртимиз масжидларига жума мавъизаларининг вақтида етиб бориши, аҳолининг эътиқодий бирлигига ҳисса қўшиш, диний-маърифий эҳтиёжни қондириш мақсадида тезислар рўйхати шакллантириб, шу кунгача **94 та мавзуда мавъиза** тайёрланди ва идора расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Шу билан бирга, тезисларга фикҳий ҳамда ижтимоий долзарб масалаларда **36 дан ортиқ илова** тайёрланди. Фуқаролар билан ишлаш борасида ҳам ўтган қисқа вақт мобайнида салмоқли ишлар қилиниб, турли масалалар бўйича мурожаат қилган жами **16 700 дан** ортиқ киши қабул қилинди. Уларга оғзаки маслаҳат ва жавоблар берилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 400 га яқин ёзма йўлланган хат ўрганилиб, улар асосида белгиланган тартибда жавоб хатлари тайёрланди ва ўз эгаларига юборилди. “**Колл-марказ**” орқали аҳоли томонидан келиб тушган **267 000 дан** ортиқ, **SavollarMuslimUzBot** ва **@muftiy_savol_javob_bot** телеграмм ботлари орқали **158 000 дан** ортиқ саволга жавоб берилди. Буларни жамлаганда **442 000 га** яқин кўрсаткич юзага чиқади.

Шунингдек, инстаграмда (<https://www.instagram.com/fatvouz>) ва Фейсбукда (<https://www.facebook.com/diniysavollar>) ҳам **512 та**, ютуб тармоғида **133 та**, тикток тармоғида эса (<https://www.tiktok.com/@fatvouz>) **46 та видео** савол-жавоб эълон қилинди.

Жамиятда турли фикҳий ихтилофларга сабаб бўладиган долзарб мавзуларда **41 та раддия** мазмунидаги видеоролик тайёрланиб, веб-саҳифаларда эълон қилинди. Жумладан, “**Мусулмонни кофирликда айблаш хатари**”, “**Ёшлар таълим-тарбиясида дўстнинг аҳамияти**”, “**Ҳозирги**



кунда фикҳий мазҳабларга эргашиш шартми?”, “Ислом ва тиббиёт”, «“Дорул Ислом” ва “Дорул куфр” тушунчалари», “Динимизда одоб-ахлоқнинг ўрни”, “Намоз ўқишни ўрганамиз” каби мақолалар эълон қилинди.

Радикал қарашларга илмий раддиялар бериш ва аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган **“AHLI SUNNA”** (@AhliSunnaValJamoUz) телеграм каналига **601 та** маълумот жойланди.

Бўлим мутахассислари томонидан юртимиз телеканалларида **200 дан ортиқ** чиқишлар қилинди. “**Ҳидоят**” журнали, “**Халқ сўзи**”, “**Ислом нури**”, “**Даракчи**”, “**Сўғдиёна**”, “**Дарё**”, “**Маҳалла**” газеталари, “**Muslim.uz**”, “**uza.uz**” интернет сайтларида **64 та мақола, 600 дан ортиқ** савол-жавоб берилди. Яна “**Фатволар тўплами**”нинг биринчи китобида 500 та саволга 500 та жавоб чоп этилиб, республикамиз бўйлаб тарқатилди. Шунингдек, “**Таҳоратга оид фатволар тўплами**” ҳамда “**Фикҳ ва ақидага оид ихтилофли масалаларга ечимлар**” номли китоблар тайёрланди.

Марказ уламолари олий ва умумтаълим муассасалари, ахборот ресурс марказлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва турли ташкилотларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва шу каби долзарб мавзуларда ташкил этилган **200 га яқин** турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотларда маърузалар билан иштирок этишди.

Фатво марказида ишлаётган Муҳаммад Айюбхон Ҳомидов, Саййиджамол Масайитов, Ғуломиддин Холбоев, Ҳикматуллоҳ Тоштемиров ва бошқа олимларнинг шарафли меҳнати нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Умнат бирлигида фатвонинг аҳамияти катта



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Огоҳ бўлинг, Менга Қуръон берилди ва У билан бирга унинг мислидек илм берилди»**, дея марҳамат қилганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Дарҳақиқат, Ислом динининг асосий манбаларининг аввалида Қуръони карим ва суннати мутахҳаро туради.

Учинчидан, бугунги кунда интернет ва рақамли воситалар орқали экстремистик ташкилотлар дин ниқоби остида мазҳабсизлик, такфир ва мутаассиб қарашларни тарқатаётгани хавотирли ҳолат.

Мусулмонларни оқибати оғир бўлган шундай хатарлардан огоҳ бўлишга чақириш дин уламолари олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Керак бўлса, умумий фатволар эълон қилиш ва муаммоларнинг муолажаси сифатида илмий, асосли китоб ва рисоалар ёзиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мана шундай ижобий ўзгаришлар қаторида ўтган йили Фатво маркази ташкил этилди. Марказда 20 нафар забардаст уламо хизмат қилмоқда. Унда “Колл марказ”, интернет тармоғи орқали савол-жавоб ва тарғибот-ташвиқот олиб борадиган заковатли фақиҳлар туну кун меҳнат қилмоқда.

Фатво марказимиз уламолари томонидан савол-жавоблар асосида 500 фатво жамлашиб, “Фатволар тўплами” китобининг I жилди нашр этилди. Мазкур тўплам ўзбек тилида сўзлашадиган миллионлаб мусулмонлар диний саводини ошириш ва ихтилофли масалаларга ечим топишда муҳим қўлланма бўлди.



Ойдан-да гўзалдир Пайғамбаримиз

соллаллоҳу
алайҳи ва саллам

“Осмонда буржлар қилган, унда чирок ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли (буюк) бўлди” (Фурқон сураси, 61-оят).

Тун. “Мир Араб” мадрасасининг ётоқхонасида ушбу оятни тиловат қилар эканман, дераза дарчасидан сизиб кираётган ой шуъласи завқимни келтирди, ташқари чорлади. “Машааллоҳ! Мана, ўша оятда айтилаётган ой! Қандай қилиб бу гўзалликни илғамай кўйдим?..”

Ой гўё тилга киргандек, менга бундай хитоб қилгандек бўлди:

– Эй Аллоҳнинг бандаси, сен Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрмагансан-да, йўқса, менга бунча тикилмасдинг!

– Ҳа! Мунча бахтлисан, эй гўзал ой. У зотни кўриш сенга насиб этган, – дея ҳавасландим. Хаёлимга Жобир ибн Самура розияллоҳу анхунинг ушбу сўзлари келди: “Мен у зотни ойдин кечада кўрдим. Эгиларида қизил хулла (либос) бор эди. Бир ойга, бир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарардим. Назаримда у киши ойдан-да гўзалроқ эдилар”.

Телефонимдаги Қуръон иловасига منيرا – “нур сочувчи” сўзини қидирувга бердим ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламни васфловчи ушбу оят чиқиб келди: **“Ва Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилгувчи ҳамда нурли чирок қилиб юбордик”** (Аҳзоб сураси, 46-оят). Субҳаналлоҳ! Фурқон сураси 61-оятида ойни таърифлаб келган нур сочувчи منيرا калимаси билан Набий алайҳиссалом ҳам васф қилинмоқда. У зот билан ойда бир қанча муштарак жиҳатлар бордай. Масалан, Ой тунда нур таратса, Набий алайҳиссалом жоҳилият даврида инсонларни зулматдан олиб чиққанлар. Ой ўз нурини Қуёшдан қабул қилиб, у орқали қоронғи йўлларни мунаввар қилса, Набий алайҳиссалом Ҳақ таолодан рисолатни қабул қилиб, уни инсонларга етказдилар. Ой бутун

борликка, хусусан, инсониятга ранги, жинси, ирқидан қатъи назар, бирдек нур сочгани каби Набий алайҳиссалом ҳам Оламларга раҳмат бўлдилар. У зотнинг шарофатлари билан саҳобаи киромлар барча ҳолларда гўзал ҳаёт кечиришга ўтишди. Набий алайҳиссаломнинг суннатларини кейинги авлодга етказишди...

Агар биз ҳам **“Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир”** (Бақара сураси, 165) оятига мувофиқ иймон келтирганлардан бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган севиқлилардан бўламиз:

«Сен: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади”, деб айт. Аллоҳ Ғофур ва Роҳиймдир» (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Набий алайҳиссалом раҳбаримиз, йўлбошчимиз бўлишлари баробарида энг суюқлимиз бўлиши лозим. Биргина Уҳуд жанги манзарасини кўз олдимизга келтирсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз умматлари учун қанчалар фидокорлик кўрсатганига амин бўламиз. Мисолларга тўхталайлик:

1. Бирор қарор қабул қилишдан олдин бошқаларнинг фикрини ўрганишлари.

Бадр урушидаги мағлубиятдан сўнг раҳбарлардан ажраган Қурайшга Абу Суфён ва Ҳарб бошлиқ бўлди. Ҳижратнинг учинчи йили, шаввол ойида Абу Суфён жами уч мингтача қўшин билан Мадинага юриб келиб, Уҳуд тоғига жойлашди. Муҳаммад алайҳиссалоту ва саллам ушбу вазиятда саҳобалар билан мажлис қилдилар. Ўзларининг фикрича, Мадинадан чиқмасдан, тўсиқлар ҳосил қилиб туриш, тор кўчаларда жанг қилиш, аёллар эса уйларнинг устидан тош отиб ёрдам беришлари керак эди. Лекин Бадр урушида



катнаша олмай қолган кўпчилик ёш саҳобалар очик майдонга чиқишни сўраб, маҳкам туриб олишди. Кўпчиликка бу фикр маъқул келиб, шунга келишилди.

Демак, етакчи қанчалик билимдон, заковатли, дунёкараши кенг бўлмасин, бирор қарор қабул қилишдан олдин атрофдагиларнинг бу ҳақдаги фикрини ўрганиши лозим. Кўпчилик билан битадиган ишларда кўпчилик маъқуллаган қарор яхши. Бу билан кишиларда эркин фикр билдириш хусусияти намоён бўлиб, ижодкорлик ва мақсадга дахлдорлик хисси ошади.

2. Ҳукмда собит бўлиш (азиймат)лари. Мажлисдан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша онамизнинг ҳужраларига кириб, совутларини кийиб чиқдилар. Бу пайт ҳалиги одамлар ҳам шаштларидан тушиб қолган эдилар. Улар: “Биз Аллоҳнинг Расулини Мадинадан чиқишга мажбур қилиб қўйибмиз-ку. Эй Аллоҳнинг Расули, агар Мадинада қолмоқчи бўлсангиз, қолаверинг”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: **“Набийлар совутини кийганидан кейин у билан душман орасида Аллоҳнинг ҳукми чиқмагунича ечмайди”**, дедилар. Демак, маслаҳат бўлиб, қарор қабул қилинганидан сўнг ортга қайтиш йўқ. Аллоҳга таваккал қилиб, бор куч-ғайрат билан олға юриш лозим.

3. Кечиримли бўлиш, ҳамма мақсадларнинг муҳаббатини қозониш. Жанг вақтида мусулмонлар ғалаба қилаётганини кўрган камончилар, гарчи Пайғамбар алайҳиссалом изн бўлмай туриб жойни тарк этмасликка чақирган бўлсалар-да, тепаликдан тушиб,

ўлжа илинжига тушиб қолишди. Натижада ютиб турган мусулмонлар катта талафот кўрди. Бу урушда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам каттиқ яраландилар, амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу шаҳид бўлди. Бунга сабабчи бўлган камончиларнинг ҳолини бир тасаввур қилиб кўринг. Шундай оғир дамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам комил йўлбошчи сифатида Аллоҳнинг ушбу амрига бўйсундилар: **“Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар кўпол, қалби каттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв эт. Уларга истиғфор айт ва улар билан ишларда машварат қил. Азму қарор қилгандан сўнг Аллоҳга таваккал қил. Албатта, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севади”** (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Хулоса шуки, Ҳақ таоло Қуръони каримда Расулуллоҳнинг атрофларида инсонларнинг тўпланганига сабаб қилиб у зотнинг мулойим, меҳрибон бўлганини келтирди. Демак, агар атрофингизда йиғилганлардан бирор киши хато қиладиган бўлса, Расулуллоҳнинг суннатларига биноан уни афв этинг. Кейинги сафар ўша хатони такрорлашни у инсоннинг иффати кўтармайди. Оилада ҳам агар шу набавий тартибни қўллайдиган бўлсак, қанчадан-қанча ажримларнинг олди олиниб, оила-ларда муҳаббат руҳи барқарор бўлади...

* * *

“Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!..” Тонг отди. Азизлар, сизлар билан Аллоҳнинг Ҳабиби ҳақида оз бўлса-да, ғойибона суҳбатлашиб, қалбим сурурга тўлди. Умид қиламанки, Расулуллоҳга бўлган муҳаббатимиз янада зиёда бўлди, қалбларимиз илоҳий нурга тўлди. Келинг, шу дамдан бошлаб Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссаломга салавотни кўпайтирайлик, у зотнинг суннатларини ўрганайлик, сийрат китобларини мутолаа қилиб, амалларимизни суннат билан зийнатлайлик. Зеро, азон айтилиб бўлди... У билан такбирнинг ораси жуда яқиндир!..

Абдулбосит СОДИҚЖОНОВ,
“Оламларга раҳмат Пайғамбар” сийрат
танловининг мақолалар йўналиши ғолиби

Ғийбат

Ўзаро муносабатларга раҳна солади

Динимиз таълимотларига кўра, кишилар ўзаро дўстлик ва тотувликка буюрилади. Одамларнинг бир-бирларига нисбатан гина-кудурат сақлаши, душманлик қилиши ва ғийбат-бўхтон уюштириши қаттиқ қораланади.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ

Аллоҳ таоло Ҳужурот сураси 12-оятда бандаларини бундай огоҳлантиради: “Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирортангиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, раҳмлидир”.

Демак, бирор киши ҳақида бадгумонда бўлиш, у тўғрида ҳар хил шубҳага бориш яхши эмас. Балки у чиндан ҳам яхши инсондир. Агар шундай бўлиб чиқса, гумонланувчи ўзига гуноҳ орттирган бўлади. Шу боисдан ҳам “Кўп гумонлардан четда бўлинглар...” дейилмоқда.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Набий алайҳиссалом: “**Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар, чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир**”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Афсуски, ён-атрофимиздаги, ҳар куни кўриб-билиб юрган, бирга ишлайдиган, ўқийдиган биродаримиздан ҳам гумонла-

намиз. Кўнглимизга ҳар хил шубҳалар оралайди. Ёки бўл-маса, учинчи бир одамнинг гапига кириб, у ҳақдаги фикримизни ўзгартирамиз. Илло, буларнинг барчасининг замирида ёлғон, жосуслик бор. Шунинг учун ҳам киши бундай иллатлардан узоқроқ бўлиши керак экан.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан кишилар: “Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?” деб сўрашди. Расули акрам алайҳиссалату вассалом: “**Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг**”, дедилар. Шунда: “Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз?” дейишди. Набий алайҳиссалом: “**Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўхтон қилган бўласан**”, деб жавоб қилдилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Бировни ғийбат қилиш – оғир гуноҳ. Бу ҳақда ояти каримада ҳам аниқ мисол келтирилган. Шу маънода киши ҳеч кимни ғийбат қилмаслиги, акс ҳолда, бунинг учун Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавобгарлик борлигини унутмаслиги лозим.

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламга Сафиянинг сифатлари мана булар, деб санадим. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Денгиз сувига қўшса, уни ҳам бузадиган сўз айтдинг**”, дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Яъни ғийбат шу қадар нопок нарсаки, уни ҳатто денгизга солса, унинг ҳидини ҳам, таъмини ҳам бузади. Шунинг учун мусулмон киши ўзини ғийбатдан тийиши билан бирга ўзгаларни ҳам бу иллатдан қайтариши жоиздир. Бу эса унга кўплаб ажр-савоблар ёзилишига ноил бўлади.

Хулоса ўрнида айтишимиз лозимки, ғийбат оғир гуноҳдир. Шу билан бирга у икки инсоннинг муносабатларига раҳна солади. Иккисини бир-бирига ёв қилиб, юзкўрмас бўлиб кетишига сабаб бўлади.

Шаҳобиддин ПАРПИЕВ,

Асака туманидаги “Муҳаммад Солиҳ” жоме масжиди имом-хатиби


Ассалому алайкум, ҳурматли “Ҳидоят” журнали ходимлари. Ушбу нашрнинг бир мухлиси сифатида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришмоқчиман.

Убудият кўпаяди, ихлос кучаяди...

Муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг журналда чоп этилган “Ибодат кўп, лекин убудият кам” номли суҳбатини ўқиб, очиғи, жуда ўйланиб юраман. Убудият кўпайишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, халқимизнинг ич-қалбига кириб борадиган шу каби газета-журналларга алоҳида эътибор қаратилса, оилада ота-она, фарзандлар – ҳамма бирдек ўқишига имкон туғилади-ку!

Бу журнални ўзимга дўст, йўл кўрсатувчи муаллим деб биламан. Унда берилаётган маълумотлар жуда фойдали, эскирмайди, мутолаага сарфлаган вақтингизга ачинмайсиз.

Айтмоқчи бўлганим унинг адади хусусида. Яқин беш йилни оладиган бўлсак, нашрнинг энг юқори кўрсаткичи 2019–2020 йилларда 120 минг адад атрофида бўлган, Афсус, йил сайин камайиб борапти. 2021 йилги адад 105 минг нусхани, 2023 йилда эса 86 минг нусхани ташкил этмоқда. Ахир аҳолиси ўттиз олти миллиондан зиёд бўлган юртимизда пенсионерларимизнинг ўзи 3 миллионга яқин бўлса, бу адад жуда кам эмасми?.. Ҳолбуки, журналда ҳамма ёшдаги кишиларга мос, динимизни, инсонийликни тараннум этадиган мақолалар бериб борилади. Журналнинг обуна нархи бир йилга 120–150 минг сўм экан. Бу дегани, бир ойда бир нашр қилинса, бир йилда 12 та журнал бўлади. Ҳар бирининг баҳоси ўртача 10–12 минг сўмни ташкил этади. Инсоф билан айтганда, бу пулга маҳалламизнинг масжидига қадар етказиб берилаётган журнал



сувтекин... Ичидаги илмлар эса бебаҳо!

Тўғри, ҳозир телефонда, интернет саҳифаларида ҳам маълумотлар кўп. Лекин, биринчидан, уларнинг ишончли эканига кафолат йўқ. Иккинчидан, ҳамма ёшдагилар ҳам япалоқ телефондан, интернетдан фойдаланишни билмайди. Ёши каттароқ одам-ку, ўқий олмайди. Ўқий олганнинг эса телефонда кўзи тез толиқади. Китобни, журнални, газетани қўлга олиб ўқиганга етмайди... Ўқиганда ҳам ўзимизни таниш орқали ўзини таниб борамиз...

Ҳурматли нашриёт ходимлари, мутасадди раҳбарлар! Мен кўпроқ одамлар газета-журналлардан баҳраманд бўлса, бу борадаги тарғибот-тавсиялар кўпайса, деган мақсадда ёздим. Зеро, мусулмон одам ўзига раво кўргангани бошқаларга ҳам илинади. Илоҳим, келаётган 2024 йилда обуначилар сони янада ошиб, маърифат зиёси кўп хонадонларга етиб боришини тилайман.

Алимардон САФАРОВ,
Кўкдала тумани

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

“Аллоҳ сизларга қийинчилик туғди-
ришни истамас. Аммо сизларни поклаш-
ни ва сизларга Ўз неъматини батамом

ФИТНА – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

ФИТНАЧИДА МУЎТАДИЛЛИК ЙЎҚ

Ислом муътадил ва кенгбағирлик дини-
дир. Унинг барча ҳукмлари васатийлик ва
енгиллик устига қурилган. Васатийликда
ҳаддан ошиш ва ғулувдан қайтарилган.

**“Шунингдек, сизларни одамлар устидан
гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг
устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат
қилдик”** (Бақара сураси, 143-оят).

Қарангки, васатийликка чақирган уш-
бу ояти карима Қуръони каримдаги Бақара
сурасида келган. Ушбу ҳолат бир томондан
эътиборимизни ўзига тортса, яна бошқа
томондан Аллоҳ таоло ҳақиқатда бу ум-
матни муътадил қилганига ишорадек.
“Васат” сўзи икки тарафнинг ўртаси маъно-
сидадир. Бир нарсанинг васати унинг энг
яхшисидир. Шунингдек, “васат” сўзи адо-
лат, фазилат ва яхшиликка нисбатан ҳам
қўлланган.

Васатийликнинг икки маъноси бор:

– адолат ва яхшилик. Адолат деганда
инсофли бўлиш ва зулм қилмаслик тушу-
нилади;

– ишларда ҳаддан ошиш ва нуқсонга йўл
қўйиш ўртасидаги меъёрни ушлаш, яъни
муътадил ва ўртамиёна бўлиш назарда
тутилади.

Шуни яхши билиб олишимиз керакки,
кейинги вақтларда васатийликка нотўғри
таърифлар ҳам берилмоқда. Бундай таъ-
рифлар амалда турган мазҳабларни бир-
бирига қориштириб, улардан енгил бўлган
ҳукмни олишга нисбатан қўлланмоқда.
Уламолар бу нарсдан умматни огоҳлан-
тирмоқда. Бундайин қўштирноқ ичидаги
васатийликни васатийлик эмас, талфиқ¹ деб
аташ тўғри бўлади.

**“Аллоҳ сиздан енгиллатмоқни хоҳ-
лайдир. Ва инсон заиф яратилгандир”**
(Нисо сураси, 28-оят).

қилиб беришни истайдир. Шоядки, шукр
қилсангизлар” (Моид сураси, 6-оят).

МУТААССИБЛИК ФИТНАГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Мутаассиблик нима? Бу саволга олимлар
турлича жавоб берганлар. Асримизнинг
катта уламоларидан бири, умматга хизмат
қилиб ўтган мархум, фазилатли шайх
Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳма-
туллоҳи алайҳ бундай жавоб берганди:

**“Мутаассиблик – ўз фикрига нотўғри
бўлса ҳам, ёпишиб олиб бошқанинг фик-
рини қабул қилмаслик. Бу нарс турли ҳо-
латларда бўлиши мумкин. Унинг зидди
бағрикенглик бўлади”.**

Мутаассиблик илмий тилда “фанатизм”
ҳам дейилади. Мутаассиблик жамият
кушандаси бўлган иллатдир. Мутаассиб
шахснинг оқибати ҳар икки дунёда яхшилик
билан тугамайди.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят
қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва сал-
лам: **“Ким итоатдан чиқиб, жамоатдан
ажралиб вафот этса, жоҳилият ўлимида
ўлибди. Ким бир жамоага ғзаб қиладиган
ёки бир жамоага чақирадиган ёхуд бир
жамоага ёрдам берадиган кўр байроқ
остиди урушса ва ўлдирилса, жоҳилият
ўлимида ўлибди. Ким умматимга қарши
чиқиб, солиҳию фосиғини урса, мўмин-
га парво қилмаса, аҳдлашувчини аҳдига
вафо этмаса, бас, у мендан эмас, мен
ундан эмасман”**, дедилар» (Имом Муслим
ривояти).

Ҳадиси шарифда мўмин одамга зарур
бўлган бир қанча тавсиялар айтилмоқ-
да. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам
бошлиқ ва иш эгаларига итоат этишга ва
жамоатни лозим тутишга чақирмоқдалар.
Акс ҳолда, хотимаси нақадар ёмон оқибат
билан тугашидан огоҳлантirmoқдалар.
Мана шу ҳолида вафот топган киши худди

жоҳилият даврида ўтган бўлади. Ҳадиснинг матнида қўлланган сўзлар ишнинг нақадар нозиклигидан дарак бермоқда. Шориҳлар **“Кўр байроқ остида урушса...”** иборасини ҳақ билан ботил ўртасини ажратмайдиган байроқдорлар билан деганидир, дейдилар.

“Ким бир жамоага ғазаб қиладиган ёки бир жамоага чақирадиган, ёхуд бир жамоага ёрдам берадиган кўр байроқ остида урушса ва ўлдирилса, жоҳилият ўлимида ўлибди”, яъни ҳақ ва тўғри йўлга эмас, кўр-кўрона ғазаб қиладиган мутаассибларнинг барча ҳаракатлари жоҳилият даврида яшган кишилар одатига ўхшайди. Ўша даврдаги кишиларнинг одати шундай эди. Улар нима учун ва нима мақсадда урушаётганларини ҳам билмас эдилар. Кимки дин келиб, ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлганидан кейин мутаассибликка берилиб, вафот этса, у жоҳилиятда ўлим топган бўлади.

Одатда, мутаассиб киши ҳеч нарсани фарқламайди. Бир ўзи бутун умматга қарши чиқиб, уларни яхши ва ёмонига қилич кўтариб, бошига уради. Энг аянчлиси, бу каби ишлар охир-оқибат қон тўкилиши билан яқунланади. Бундайин нобакор қилаётган ишларига умуман парво қилмайди.

Унинг наздида на мўмин ва на аҳдлашганнинг² қиймати бор. Бу кимсалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлида эмас, диннинг уларга умуман алоқаси йўқ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **«“Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таолога қайси дин маҳбуб?” деб сўралди. “Ҳанифийлик ва самҳа”, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).**

“Ҳанифийлик” ботилдан узоқ, ҳақиқатга мойил бўлиш ва кенгбағирлик маъносидадир. “Самҳа” очиқлик, енгиллик, осон ва қулайлик демакдир.

ЖАҲОЛАТ ҲАМ ФИТНАДИР

Илм нур, жаҳолат эса зулматдир. Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ. Жаҳолат эса ҳамма разолатларнинг онаси ҳисобланади. Ислон илм-маърифат динидир. Қуръони карим оятларини **“Ўқи”** деган амр билан бошланиши сўзимиз тасдиғидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Илм талаб қилиш ҳар бир муслмонга фарздир”** деб бежиз айтмаганлар.

Нима учун илмга бунчалик эътибор берилган дейилса, чунки илм пойдевор ва асос ҳисобланади. У барча яхшиликлар бошидир.

Инсоният бошига тушаётган турли мусибатларга асосан жаҳолат сабаб бўлади. Жаҳолат фитна келтириб чиқарувчи энг ёмон омиллардан биридир. Жоҳил кимсалар билмаган ҳолида фитна-фасод уруғларини сочиб, уни аланга олдиради. Уларнинг ақллари доим ёмонлигу жаҳолатга тўла бўлгани, қалбларини зулмат ўраб олгани боис шундай бўлади. Жоҳил кимса ёмонликни ёмонлигини билмайди, яхши ишларни эса қилмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисларида қиёматга яқин илм кўтарилиши, жаҳолат ва фитналар кўпайиб кетишини айтганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ таоло сизларга илм берганидан кейин уни бирданига суғуриб олмайди. Лекин илмни уламоларнинг (жонини) қабз қилиш ила суғуриб олади. Токи жоҳил инсонлар қолади-да, улардан сўралади. Улар эса ўз фикрлари билан фатво берадилар. Натижада ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Фитнага сабаб бўладиган энг катта омиллардан бири жаҳолат ҳисобланади. Тарихдан мисол келтирадиган бўлсак, фирқалар ичида биринчи бўлиб фитна байроғини хаворижлар кўтарди. Улар жоҳиллик билан илмни четга суриб, ақлни ҳамма ишда асос қилиб олишди. Бу ҳолат катта-катта фитналарни келтириб чиқарди. Ўтган кибор уламолар айтади: **“Фожир олим ва жоҳил обиднинг фитнасидан эҳтиёт бўлинглар. Бу иккисининг фитнаси кўпчиликни адаштиради”**. Ҳикматларда айтилади: **“Олимнинг тойилиши кемага шикаст етишига ўхшайди. Кемага шикаст етса, унга қўшилиб ҳамма сувга ғарқ бўлади. Жоҳил эса мутаассиб бўлади”**. У кўзи ожиз кишига ўхшайди. Ҳақни кўрмайди. Илмсиз бўлгани боис ҳамма нарсага таассуб билан ёндашади. Натижада ҳадисда келганидек, диндан гапираверади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам адаштиради.

(Давоми келгуси сонда.)

Саҳл ибн Ҳунайф

Саҳл ибн Ҳунайф Ансорий. Макка фатҳига қадар бўлиб ўтган барча ғазотларда иштирок этди. Уҳудда Набий алайҳиссалом билан, кейинчалик Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу билан бирга бўлди. Али розияллоҳу анҳу уни аввал Мадинаи мунавварага, Жамал воқеасидан сўнг Басрага, кейин Форс ўлкасига волий этиб тайинлади. Сиффин воқеасида у ҳам халифа билан қолди.

Саҳл ибн Ҳунайф ибн Ваҳб ибн Аким Ансорий. Авсининг Ҳанаши ибн Авф уруғидан. Онаси Ҳинд бинти Рофеъ ибн Умайс Авсининг Жуъадара уруғидан. Акаси Усмон ибн Ҳунайф. Абдуллоҳ ва Нўмон ибн Абу Ҳубайб она бир ака-укалари.

Фарзандлари: Абу Умома, яъни Асъад ибн Саҳл. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан икки йил олдин туғилди. Набий алайҳиссалом болага унинг бобоси Асъад ибн Зуроранинг исмини қўйганлар. Асъад ибн Саҳл кейинчалик ишончли ҳадис ровийларидан бири бўлди.

Яна бир фарзанди Усмон ибн Саҳл ишончли ҳадис ровийларидан. Унинг онаси иккинчи Ақабада иштирок этган аёллардан. Саҳобанинг яна Абдурахмон ва Абдуллоҳ ибн Саҳл исмли ўғиллари бўлган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни Саҳл билан биродар тутинтирганлар.

Тарихнинг зарварақлари Саҳл ибн Ҳунайфнинг нафақат Ақаба байъатида, балки Бадр ва Уҳуд ғазотида ҳам иштирок этганини хабар беради. Саҳобанинг ўзи бундай ривоят қилади. “Бадрда қай биримиз қиличи билан бирор мушрикка ишора қилса, ёнига етиб бормасимиздан олдин унинг боши ерга юмалаб тушарди”.

Саҳл ибн Ҳунайф мерган жангчилардан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Макка фатҳига қадар бўлиб ўтган барча жангларда қатнашди. Уҳуд куни Пайғамбаримиз алайҳиссаломни қутқаришдан бошқа нарсани ўйламади. Мушрикларга қарши тинимсиз курашди. Аллоҳ ва Набийсига муҳаббати туфайли вужудига қадалган ўқларнинг оғриғига чидади. Жангнинг энг шиддатли ониди

Пайғамбаримиз алайҳиссаломни топиб, атрофларидаги мушрикларга ўқ уза бошлади. Ҳатто мушрикларнинг диққатини тортиш учун баланд овозда: “Саҳлни нишонга олинглар! Ўқларингизни унга отинглар. Балки шу сабаб уни осонгина отиб ўлдирарсиз”, деб жанг қилди. Унинг жонбозлигини кўриб Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Саҳлга ўқ етказиб беринглар. Чунки у саҳл (эпчил)дир”**, дедилар.

Ибн Шихоб Зухрий: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Назир қабиласидан тушган ўлжадан Саҳл ибн Ҳунайф ва Абу Дужона Самак ибн Харашадан бошқа ҳеч бир саҳобага бермаганлар. Бу иккиси фақир киши эди”, деган.

Ҳижратнинг тўққизинчи йили Пайғамбаримиз алайҳиссалом Табук ғазотига ҳозирликни бошлаб, саҳобаларни ёрдамга чақирдилар. Набий алайҳиссаломнинг ташвиқотларидан сўнг бой саҳобалар молиявий жиҳатдан катта миқдорда ёрдам кўрсатди. Бу ҳолатни кўрган Саҳл ибн Ҳунайф қаттиқ таъсирланди. Фақирлиги сабаб ёрдам даъватига қатнаша олмаётганидан хафа бўлди. Дарҳол бориб фарзандларига ажратган озгина хурмони келтирди ва: “Ё Расулуллоҳ! Уйимизда шундан бошқа егулик қолмади. Бу мен ва қизимдан ёрдам. Қабул қилинг ва бизга баракот тилаб дуо қилинг”, деди. Набий алайҳиссалом Саҳл ибн Ҳунайф келтирган хурмоларни муборак қўллари билан олиб бошқа хурмоларга қўшдилар ва баракот тилаб дуо қилдилар. Бу ҳолни кўрган мунофиқлар: “Аллоҳ таолонинг Саҳл ибн Ҳунайф олиб келган озгина хурмога эҳтиёжи йўқ”, деб уни айбладилар. Ҳатто саҳобанинг Аллоҳ ва Расулига нисбатан самимий туйғусини нишонга олиб, Ма-

дина кўчаларида масхаралаб юрдилар. Мунофиқларнинг номақбул ҳаракатлари учун Аллоҳ таоло Тавба сураси 79-оятини нозил қилди: **“Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиган ва масхара қиладиганларни Аллоҳ масхара қилади ва уларга аламли азоб бўлади”**.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини ҳар бир нарсада гўзал одобга ўргатдилар. Шулардан бири мўмин ажабланарли нарсани кўрганида барака ва хайр сўраб дуо қилишидир. Чунки бу назарланишни қайтаради, шунингдек, одамлар орасига ҳасад оралашининг олдини олади.

Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайф ривоят қилади: «Саҳл ибн Ҳунайф Мадинадаги қудуқнинг сувида ювинаётганида олдидан Омир ибн Робиа розияллоҳу анҳу ўтди. У Саҳлни кўриб: “Бу кунгидек оқ ва юмшоқроқ терини ҳаргиз кўрмаганман”, деди. Абу Умома айтади: “Омирнинг бу гапидан ҳеч қанча ўтмай Саҳл хушидан кетди”. У бу ҳолатга назарланиш ва ҳасад сабабли тушган эди. (Имом Табаронийнинг ривоятида: “Ўша ернинг ўзида Саҳл ибн Ҳунайфнинг мазаси қочиб, касали зўрайди”, дейилади.) Абу Умома сўзида давом этади: “Уни кўтариб Набий алайҳиссалом ҳузурларига олиб боришди ва бўлган ишни хабар қилиб: “Саҳл хушидан кетди” (яъни ўрнидан

туролмайдиган даражада кучсизланди”), дейишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Бу ишда кимни гумон қилмоқдасиз?” деб сўрадилар. Саҳобалар: “Омир ибн Робиа”, деб жавоб қилдилар. Набий алайҳиссалом: **“Нима сабабдан биродарингизни ўлдирасиз?”** (яъни кўз теккизиб, ҳасад қиласиз?) **Агар бирортангиз биродарида уни ажаблантирадиган нарсани кўрса, унга барака тилаб дуо қилсин**” (яъни биродарининг яхшиликда янада зиёда бўлишини сўраб Аллоҳ таолога дуо қилсин”), дедилар. Кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сув келтиришни сўрадилар. Омирга таҳорат қилдириб, юзи, икки қўлини тирсагигача, кейин киндигидан жисмининг пастигача ювишни ва йиғилган сувни Саҳлнинг боши ҳамда елкаларидан қуйишни буюрдилар. (Имом Аҳмаднинг ривоятида: “Саҳлнинг орқасида турган киши сувни унинг боши ва елкасига сепеди, идишни тўнкариб қўяди”, дейилган). Бу ишлар қилинди. У ўзига келиб одамларга қўшилди. Гўёки унга ҳеч нарса қилмагандек эди».

Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қилди. У кишидан ўғиллари Абу Умома ва Абдуллоҳ, Убайд ибн Сабоқ, Абу Воил, Абдурахмон ибн Абу Лайло, Ёсир ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Умар ибн Абдурахмон ибн Авф ҳадис ривоят қилишди.

Ҳижратнинг 38 йили Саҳл ибн Саъд Куфада вафот этди. Жаноза намозини ҳазрат Али розияллоҳу анҳу ўқиди. Беш марта, бир ривоятда олти марта такбир айтиб, сўнгра: “Бу Бадр аҳлидан Саҳл ибн Ҳунайфдир. Бадр аҳлида ўзгалардан кўра ортиқлик бор. Сизларга уларнинг фазлини билдиришни истадим”, деди.

Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Манбалар асосида
Урганч тумани бош имом-хатиби
**Муҳаммадамин
Муҳаммад Зариф ўғли**
тайёрлади.



**Муҳаммадамин
Муҳаммад Зариф
ўғли 1964 йили Хо-
разм вилоятида
туғилган. 1993
йили “Мир Араб”
ўрта махсус ислом
билим юртини та-
момлаган.**

1998 йилдан ҳо-
зиргача Урганч тумани бош имом-
хатиби ҳамда тумандаги “Ҳазрати
Шаҳобиддин бобо” жоме масжиди
имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Ассалому алайкум ва
рахматуллоҳи ва
барокатуҳ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: Яқинда бобом вафот этди. Биз томонда жанозанинг эртаси куні марҳумнинг кийимларини ювиб, яқинларига тарқатишади. Биз ҳам бобомнинг кийимларини ювдик, лекин тарқатмай, тахлаб, олиб қўйгандик. Бир киши: “Тезда бобонгизнинг кийимларини тарқатиб юборинглар. Акс ҳолда, марҳум қабрида азобланади”, деб айтди. Шу гап тўғрими?

ЖАВОБ: Йўқ. Марҳум дунёда қилган гуноҳлари туфайли азобланади, савоб амаллари туфайли роҳатланади. Марҳум қолдирган барча нарса, жумладан, кийимлари меросхўрларга шариатимизда кўрсатилган тартибда тақсимланади. Марҳумдан қолган нарсалар меросхўрларнинг ҳақи ҳисобланади. Уларнинг рухсатисиз бошқаларга бериб юбориш асло мумкин эмас.

САВОЛ: Ғусл вожиб бўлганда тирноқ ва туклар олинмайди, деб эшитдим. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Бундай ҳолатда қўлтиқ ва киндик ости тукларини тозалаш ҳамда тирноқ олиш макруҳдир. Бу ишларни ғусл қилгандан кейин бажариш керак (“Фатавои ҳиндия”).

САВОЛ: Олдимдан ит ўтиб кетса, таҳорат бузиладими? Ҳар хил гаплар бор: 7 метрдан камроқ масофада ит ўтиб кетса, таҳорат бузилади, ундан йироқ масофа

бўлса, таҳорат бузилмайди, деган. Шунга аниқлик киритиб берсангиз.

ЖАВОБ: Таҳоратли кишининг олдидан ит ўтиши билан таҳорати бузилмайди. Ҳатто ит таҳоратли кишининг кийимини яласа ҳам, таҳорати бузилмайди, лекин итнинг сўлаги нажас бўлгани учун ит ялаган жойни ювиш лозим бўлади.

САВОЛ: Ёлгончиликнинг ёмон гуноҳ эканини биламан, лекин одамларга ҳазил қилиб тураман. Натижада ёлгон гапиришга тўғри келади.

ЖАВОБ: Ёлгон гапириш ҳазил учун бўлса ҳам, гуноҳдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни кулдириш учун ёлгон гапиришдан мусулмонларни қайтарганлар: “Қавмни кулдириш учун ёлгон гапирадиган кимсага вайл (азоб, жаҳаннам) бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин...” (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насоий ривояти).

САВОЛ: Бизда асалари боқилади. Асаларига зарар келтирадиган шундай майда жонзотлар борки, уларни дори ёки махсус воситалар билан йўқотиб бўлмаяпти. Шунинг учун биз асалари қутиларини оловда қуйдирамиз, токи зараркунандалар мутлақ даф бўлсин деб. Шу ишимиз жоизми?

ЖАВОБ: Озор берувчи жонзотларни оловда ёқиш, қуйдириш жоиз

эмас. Улардан халос бўлиш учун асалари кутиларни куёш тиғига қўйиб қўйиш керак. Шариатимиз шунга рухсат берган.

САВОЛ:

Қизи Қуръонни тугатиб, ота-онасига бағишласа бўладими? Агар ота-она тирик бўлсачи?

ЖАВОБ:

Ҳа, бўлади. Мўътабар фикҳий манбаларимиздан бири «Бадоиъус Саноиъ» китобида бундай дейилади: “Ким рўза тутса ёки садақа берса ёки (нафл) намоз ўқиса ва савобини вафот топган ёки тирик инсонга бағишласа бўлади ва савоби аҳли сунна вал жамоага кўра уларга етади”.

САВОЛ:

Мен асли Наманган вилоятида яшайман, ҳозирда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ишлайман. Бир ойда 22 кун ишда, 8 кун эса уйда бўламан, шундан 2 куним поездда ўтади. Мени ўйлантирган савол, намозимни қаерда қандай ўқийман? Ишда қаср ўқийманми ёки уйга боргандами?

ЖАВОБ:

Сиз Наманганда неча кун туришингиздан қатъи назар, намозингизни тўлиқ ўқийсиз, чунки у ер сизнинг асл ватанингиз. Қорақўлда ҳам агар йигирма икки кун туришни ният қилсангиз, тўлиқ ўқийсиз. Чунки киши бирор жойга бориб, у ерда ўн беш кун ё ундан кўп муддат туришни ният қилса, намозларини қаср қилмайди, тўлиқ ўқийди. Фақат йўлда, бориш-келишда тўрт ракатли фарз намозларни қаср қилиб ўқийсиз.

САВОЛ:

Яқинда бир кўшим “Юзимга ажин тушяпти, табиий пардоз қилиш йўллари ўргатинглар”, деб маслаҳат сўради. Шунда бошқа бир кўшимиз, “Одам қанча кўп гуноҳ қилса, шунча унинг ҳусни хунуклашиб, юзига ажин тушади. Сиз тавба қилинг”, деб айтди. Шу гап ростми? Киши гуноҳ иш қилса, юзига ажин тушадими?

ЖАВОБ:

Инсоннинг юзига ажин тушиши табиий ҳолат. Инсон қариган сари юзига ажин тушиб бораверади.

Истиғфор айтиш, тавба қилишга келсак, ҳеч ким хатодан холи эмас. Шундай экан, ҳар бир инсон доим истиғфор айтиб юриши керак.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Ҳар бир одам боласи хато қилувчидир, хатокорларнинг энг яхшиси тавба қилувчиларидир*” деган. (Имом Термизий ривояти).

САВОЛ:

Мен Қуръон оятларини кирил алифбосида ёд олганман. Сураларни тажвид билан ўқиш керак, буни биламан. Намозни имкон қадар шунга ҳаракат қилиб ўқийман. muslim.uz каналида бир видео кўрдим, унда намозни тажвид билан ўқимаган, Аллоҳ сақласин, гуноҳкор бўлади, деди. Шунга менда қўрқув бўлди, шунча йилдан бери намоз ўқиб гуноҳкор бўлганманми, деб. Тажвидни ўргангунга қадар намоз ўқимай туриш керакми?

ЖАВОБ:

Албатта, Қуръони каримни хоҳ намозда бўлсин, хоҳ намоздан ташқарида бўлсин, тажвид қондасига мувофиқ ўқиш вожиб амаллардандир. Чунки Аллоҳ таоло Муззаммил сурасининг 4-оятда: “*Қуръонни тартил билан ўқи*”, деб марҳамат қилган. Шунинг учун имкон қадар тезроқ тажвид қондасини ўрганиш лозим. Лекин тажвид қондаларини мукаммал билмайдиган кишилар намоз ўқимай туради, деган гап йўқ. Беш вақт намоз фарз. Уни албатта ўз вақтида адо этиш керак. Шу билан бир қаторда тиловат қондаларини ҳам ўзлаштириб бориш зарур.

САВОЛ:

Аёлимдан Қуръон ўқишни ўргансам бўладими?

ЖАВОБ:

Зарурий билимларни ўрганишда катта-кичик, ака-ука, эр-хотин кабилар аҳамиятли эмас. Балки Қуръони каримни ўрганишга ўхшаш ибодатда зарур бўлувчи илмларни имкон қадар тезроқ ўрганиш лозим. Ҳатто ўз аёлидан, фарзандидан, набирасидан ҳам ўрганиш жоиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44

Сиз ҳам муҳлат беринг!

Бир куни Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг илм мажлисига зоҳидлар пешвоси Молик ибн Динор ташриф буюрди. Масжид жамоаси тин олгандан сўнг имом: “Бугунги дарсни Молик ибн Динор ўтади. У бизга тавба ва Аллоҳга қайтиш ҳақида айтиб беради”, деди.

Молик ибн Динор бундай сўз бошлади:

– Барчангиз мени зоҳид ва обид инсон деб биласиз. Лекин йигитлигимда айшу ишратга берилган, бебош эдим. Ҳа, бу – ҳақиқат. Ўша кезларда Мадина бозорида соқчилик қилардим. Йўлтўсарлик қилар, солиқ солар, ўзгалар ҳақини ердим.

Бир куни тонг маҳал икки кишининг ўзаро тортишувини эшитдим:

– Эй золим! Қизларимга деб сотиб олган ҳолваларимни ўғирлайсанми? Аллоҳга қасам, қайтариб бермасанг, шу кеча уларга сени дуойи бад қилдираман. Бу кундан кейин ҳаргиз яхшилик кўрмайсан.

– Эй эси йўқ. Қизларинг туфайли Аллоҳ мени жазолайди деб ўйлайсанми?!

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Ким мусулмонлар бозоридан бирига борса ва бирор нарса сотиб олса, кейин уни уйига олиб бориб, у билан эркакларни эмас, аёлларни хосласа, Аллоҳ таоло унга назар солади. Кимга Аллоҳ назар солса, уни азобламайди”**, деб айтганларини эшитмаганмисан?!

Молик ибн Динор сўзида давом этди:

– Набий алайҳиссаломнинг ҳадисларини эшитиб таъсирландим. Шу дамда менда золимдан мазлумнинг ҳақини олиб бериш фикри пайдо бўлди:

– Эй фалончи, мискиндан ўғирлаган ҳолваларинг пулини қайтар. Қизларига бошқа ҳолва сотиб олади. Агар айтганимни қилмасанг, сени қамоққа оламан.

– Мен ҳеч нарса ўғирламадим.

– Эй каззоб, Аллоҳга қасам, бу кишининг ҳақини ортиғи билан қайтармагунингча, сени калтаклайман!

– Шошманг, унга ҳолваларнинг пулини

бераман. ...Мана олинг!

– Энди кетавер, бу кундан бошлаб қизлар учун олинган нарсага яқинлашма.

Мазлум хурсанд бўлиб, раҳмат айтишга шошди. Лекин мен:

– Раҳмат айтишинг шарт эмас. Фақат қизларингга айт, бу кеча ҳақимга яхшилик сўраб дуо қилишсин. Яъни: “Ё Аллоҳ, Молик ибн Динорни ҳақ йўлингга ҳидоят қил”, деб сўрашсин.

* * *

– Ўша куни уйга қайтарканман, ҳаётимда қалбим биринчи бор юмшаганини ҳис этдим. Бунинг сабаби, менга жумбоқ эди. Шу вақт уйланиб, қиз фарзандли бўлиш, уни яхши кўриб, худди бозордаги киши каби унга атаб ҳолва сотиб олишни орзу қилдим.

Ўзим ароқхўр ва йўлтўсар бўлганим учун ким ҳам менга қизини берарди деб, бозордан жория сотиб олдим. Аввал озод қилиб, кейин унга уйландим.

Аллоҳ таоло орзуимга етказди. Ушбу турмушимдан гўзал юзли қиз кўрдим. Унга Фотима деб исм қўйдим.

Фотима ҳаётимдаги ягона қувончим эди. У сабаб барча ярамас одатларимни ташладим. Фақат ароқдан воз кечмадим. Қизалоғим улғайгани сари қалбимда гуноҳкорлигим, намоз ўқимаслигим ҳисси ҳам тобора катталашиб борди.

Қизим доимо ароқни ёнимдан йироқ қилишга уринарди. Раббим менга гўёки у орқали Ўз рисолатини юбораётгандек эди. Хайрон бўлардим: “Қандай қилиб Аллоҳ таоло орзу қилганим ушбу қизалоқни бериб, менга илтифот кўрсатди экан?! Ахир ҳали-ҳануз гуноҳларимдан тавба қилмаган бўлсам?!”

Фотима 5 ёшга тўлди. У ҳали ҳам ҳаётимдаги ягона қувончим эди. Сўнгра Фотима оламдан ўтди...

Қизимнинг вафотидан қаттиқ қайғуга ботдим. Ўзимнинг эски фисқи фужуримга қайтдим. Рамазоннинг би-

ринчи кечаси эди. Ниҳоят кўп даражада ароқ ичиб, ухлаб қолдим.

Тушимда қиёмат қўпганди. Нотаниш овоз мени ҳисоб-китобга қаттиқ мажбурлар ва: “Эй Молик ибн Динор, Ягона Жаббор бўлмиш Аллоҳнинг ҳузурига кел”, дерди. Ҳисоб ва иқобдан қўрқиб, қоча бошладим. Бирданига олдимдан баҳайбат илон чиқди. У оғзини катта очиб, мени ютиб юборишга уринарди... Жон талвасасида қочаётганимда йўл устида “Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ ва лаа илаҳа иллаллоҳ”, деб зикр тушаётган қариянинг қаршисидан чиқдим:

– Отахон, илондан қутқаринг. У мени ютиб юбормоқчи!

– Болам, кўриб турганингдек жуда кексаман. Сени илондан қутқаришга кучим етмайди.

– Унда бирор маслаҳат беринг?!

– Чап тарафга юр. Илон сенга етолмайди.

Эндигина бир неча қадам ташладим ҳамки, рўпарамдан олов чиқди. Даҳшатдан янада эсанкираб қолдим. Шу вақт шайх:

– Нега тўхтаб қолдинг?

– Мана олдимда олов, ортимда илон. Қаердан бошпана топишни билмаяпман! Мени қутқаринг, эй бобо!

– Сени қутқара олмайман дедим-ку! Ўнг тарафга юр.

Ниҳоят остки қисми парда билан тўсилган улкан тоғ олдидан чиқдим.

Бир вақт парда ортидан “Отажон!” дея Фотима ёнимга пешвоз чиқди. “Қизалоғим сени жуда соғиндим”, дея уни бағримга босдим ва: “Фотима, бу ерда катта бир илон мени ютиб юбормоқчи?! Кекса отахон ундан мени қутқара олмаяпти”, дедим. Фотима:

– Илон, бу катта-катта гуноҳларингиздир. Кекса, заиф отахон эса сиз дунёда кўпайтиришга қодир бўлмаган солиҳ амалларингиздир.

Бир вақтлар бозорда мазлумга ёрдам бериб, қизларига ҳолва юборганингизни эслайсизми?! Ўша куни қизлар ҳаққингизга дуо қилишганди. Аллоҳ таоло кичик ёшимда вафот этишимни ҳам яхшиликлар тарозуингизга ёзиб қўйди. Яна Парвардигор сизга тавба

қилиш учун жуда кўп фурсат берганига қарамай, гуноҳ ишларда давом этмоқдасиз. Эй отажон:

أَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ
وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ وَلَا يَكُونُوا كَالَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ
مِنْ قَبْلُ فَطَالَ عَلَيْهِمُ الْأَمَدُ فَقَسَتْ قُلُوبُهُمْ وَكَثِيرٌ
مِّنْهُمْ فَاسِقُونَ

“Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш, айнаи чоғда, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?!” (Ҳадид сураси, 16-оят).

Қизим тушимда ёдимга солган ояти каримани такрорлаган ҳолда уйқудан уйғондим. Шу ондан бошлаб тавба қилдим. Ғусл олиб, масжидга чиқдим. Рамазон ойидаги илк бомдод намози эди. Намозхонлар сафига кўшилдим. Имомимиз Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ биринчи ракатда айнан: “**Имон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига...**” оятини ўқиди. Шунда кўрган тушим ҳақ эканини тушуниб етдим ва Аллоҳ таолога тавба қилдим. Араб хатида ёзишни ўргандим ҳамда Мусҳафдан ўз хатимда нусха кўчирдим. Мен кўчирган нусхалар ҳозирда бутун Басра бўйлаб ёйилган.

Ҳасан Басрий Молик ибн Динорнинг ҳикоясига бундай якун ясади:

– Аллоҳ таоло бандасининг қалбида заррача яхшилик кўрса, унга муҳлат беради. Тавба қилиб олишига ёрдамлашади. Шунинг учун гуноҳ қилаётган кишини кўрсангиз, унинг устида ҳукм чиқаришга шошилманг. Ўзингиздан йироқлаштирманг. Боиси ҳали тавба қилиб олиш соатлари келмагандир балки. Аллоҳ таоло унга бергандек, сиз ҳам муҳлат беринг. Сабаби, банданинг қалбига эгалик қилиш фақат Аллоҳ таолога хосдир.

Ажлунийнинг “Кашфул хафо” асари асосида Тошкент ислом институти мударриси **Ҳафиза ЗОЙИРОВА** тайёрлади.




ЧЕРНОГОРИЯГА 50 МИНГ НУСХА ҚУРЪОН ҲАДЯ ҚИЛИНДИ



Саудия Арабистони Ислом ишлари, даъват ва иршод вазирлиги Черногория Ислом ишлари бўйича бошқармасига Қуръони карим оятлари маъноларининг босна ва албан тилларига изоҳли таржималари ҳамда 50 000 нусхадаги Қуръон китобини совға қилди.

Бу ҳақда “IQNA” сайти хабар қилди. Мазкур хайрли иш Қуръоннинг турли хил нусхаларини дунё бўйлаб кенг ёйиш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг бир қисмидир. Дастур доирасида миллионлаб Қуръони карим нусхалари ва унинг 77 дан ортиқ халқаро тилга таржима қилинган маънолар тўпламлари жаҳоннинг турли мамлакатларига ҳадя қилинади.

ЗИЁРАТЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА



Токио марказий масжиди имом-хатиби Муҳаммад Чинар японларнинг Исломга қизиқиши ҳақида бундай деди: “Масжидга Япониянинг Васеда, Кеио ва Меижи каби нуфузли университетларнинг кўплаб аспирант ва магистратура талабалари келишади. Уларнинг аксари Ислом динига оид диссертация мавзуларини танлашган”.

Чинар домла Исломда закот, никоҳ ва ажрашиш, мусулмонлар ўртасидаги қардошлик муносабатлари каби мавзуларда япон тадқиқотчилари билан тез-тез маслаҳатлашиб туради.

Токио масжидини ҳар йили 50 мингга яқин киши зиёрат қилади.

ЭНГ НОДИР ВА ҚАДИМИЙ НУСХАСИ ТИКЛАНДИ

“Book World Egypt” нашри Қуръони каримнинг дунёдаги энг нодир ва қадимий нусхаларидан бирининг суратларини чоп этди.

“IQNA” сайти хабар беришича, Миср Миллий кутубхонасида ҳижрий I асрнинг биринчи ярмида (деярли 1300 йил) кўчирилган ҳижозий Қуръони карим нусхасини таъмирлаш ишлари якунланди.

ШУША ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) бош директори Салим бин Муҳаммад Малик Озарбайжонга ташрифи чоғида Шуша шаҳрини “Ислом оламининг маданий пойтахти” деб эълон қилди.

Салим бин Муҳаммад Малик Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода билан ҳам учрашиб, Озарбайжонда ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси очилишини айтди.

МУСУЛМОН ДОНИШМАНДЛАРИ КЕНГАШИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Мусулмон донишмандлари кенгашининг Ўрта Осиё филиали очилди.

Очилиш маросимда Қозоғистон Республикаси Сенати раиси Мавлан Ашимбаев, “Ал-Азҳар” университети қошидаги Ислом тадқиқотлар маркази директори Назир Муҳаммад Аяд, Мусулмон донишмандлари кенгаши бош котиби Муҳаммад Абдуссалом иштирок этди ва нутқ сўзлаб, бошланган ушбу хайрли ишга барака тилади.

Ислом умматини бирлаштириш, инсоний қадриятлар, исломий бағрикенгликка таҳдид солаётган кучларга қарши бирлашишга чақирувчи Мусулмон донишмандлари кенгашининг бош қароргоҳи БАА пойтахти Абу Даби шаҳри.

Интернет маълумотлари асосида Шайхонтоҳур тумани “Хўжа Аҳрор Валий” жоме масжиди имом ноиб
Қахрамон ҚҮЛДОШЕВ тайёрлади.

Ҳаким Самарқандий – буюк мутакаллим

Милодий IX–X асрларда ёзилган асарларда кўтарилган мавзулар асосан Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари асосида ёритилган. Бу даврда ёзилган энг машҳур асар сифатида Ҳаким Самарқандийнинг “Китоб ас-савод ал-аъзам” асарини таъкидлаш лозим. Асар халқ тилида “Савод ал-аъзам” номи билан машҳур.

Ҳаким Самарқандий рисолада ақоид муаммоларининг деярли барчасини айтиб ўтган. Жумладан, кейинги даврда ёзилган ақоидга доир рисоаларнинг ёзилишига замин яратиб берган, рисолада ашённинг (нарсалар) ҳақиқати, маълумот олиш йўллари ва оламнинг моҳияти каби каломий мавзуларга ўрин берилмаган, мавзуларни белгиланган бир тартибда тузмаган, мавзуга оид барча масалалар бир хил ерда баҳс қилинмаган, турли ерларда фарқли ҳажмлар билан баён қилинган. Рисола мотуридия калом мактабининг мутакаддим давридаги асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Унда бошқа кўплаб ақидавий манбаларда ўрин олмаган баъзи фикҳий масалалар ҳам очиб берилган.

Аллома қаламига мансуб яна бир асар “Рисола фи ал-иман”. Рисола атиги икки саҳифадан иборат бўлиб, 1872 йили “Китоб ас-савод ал-аъзам” асарининг нашрига илова қилиниб чоп этилган. Ушбу рисоланинг нодир тошбосма нусхаси Анқара университети Илоҳиёт факультети манбалар фондида 237,4 рақами остида сақланади.

Рисолада иймоннинг қалб билан тасдиқ ва тил билан иқрор бўлишининг шарти, амаллар иймоннинг жузи эмаслиги ҳамда иймоннинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги ҳақидаги масалалар баён этилган. Шу йўсинда хорижий ва мўътазилийларга ҳамда Имом Шофеъийнинг иймон масаласидаги қарашларига раддия берилган. Кўриниб турибдики, ушбу рисола ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳанафий ва мотуридий ақидасини ифодалаб беришга бағишланган.

Муаллиф ушбу асарида иймон масаласида қуйидаги хулосани келтириб ўтган: “Кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса, амал ва эътиқод қилса, у ҳақиқий мухлисдир (тақводор мўмин). Кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса, амал қилса-ю, лекин барчасига эътиқод қилмаса (имон келтирмаса), у мунофиқдир. Кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса-ю, лекин амал қилмасдан эътиқод қилса, у фосиқдир”.

Шунингдек, асарда иймон билан ислом бир нарса экани ҳақида сўз боради. Олим ушбу фикрига Қуръондан далил келтирган:

“Кимки Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у дин) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўрувчилардандир” (Оли Имрон сураси, 85-оят).

“Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлмиш кишиларни чиқариб юбордик. У жойда (Лут хонадонидан) ўзга мусулмонларни топмадик” (Зориёт сураси, 35–36-оятлар).

Ҳажм жиҳатидан мўъжазгина бўлган ушбу рисолага Абу Муин Насафийдек олим мурожаат қилган. Демак, уни ҳам тўлиқ ҳанафия-мотуридия ақидасига мувофиқ тарзда ёзилган манба деб эътироф этиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, IX асрнинг иккинчи ярми – X асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахр ҳудудида шакланган сиёсий-ижтимоий ва маданий муҳитда алломанинг дунёвий қарашлари ва илмий салоҳияти салмоқли ўрин тутган.

Олимликнинг асосий белгиларидан бири уни ўз даври ва кейинги асрда яшаган олимлар эътироф этишларидир. Бу белгини Ҳаким Самарқандийнинг юксак ахлоқий сифатлари, илми ва уламолар наздида тутган ўрни ҳақидаги кўп олимларнинг эътирофларида кўриш мумкин.

Муҳаммаджон АБДУҲАМИДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти

Яшашдан мақсад фақат ҳой-ҳавасларми?

Яқинда бир акамиз қўнғироқ қилиб: “Малибу” олдим, мошина тўйига кел”, деди ғурурланиб. У кишини янги улов билан қўтладим. Бироқ топиш-тутиши ҳаминқадар одамнинг машина олгани кишида бироз иштибоҳ уйғотди.

Кейин билишимча, акамиз ўғли билан арзонроқ “Дамас” илинжида машина бозорига тушади. Қиммат автомобиллар ёнидан ўтаётиб танишимиз ўғлига: “Бунақа машина минмай ўтиб кетаман, шекилли”, дея ўпкалайди. Ўғил: “Отамни бир хурсанд қилай” дея, бироз эскироқ “Малибу”ни бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олади. “Дамас” учун йиғилган пулни бошланғич тўловга бериб, ота-бола уйига “Малибу” миниб қайтишади. Буни кўрган оиладагилар ҳам, қишлоқ аҳли ҳам ҳайрон.

Афсуски, оиланинг қувончи узоққа чўзилмади. Уловнинг ойлик тўлови уларни қийнаб қўйди. Шунда акамиз машинани сотмоқчи бўлди. Аммо у анча арзонга нархланди. Охири уйини гаровга қўйиб, банкдан кредит олиб машина пулини тўлади.

Орамизда бундай қурби етса-етмаса, орзу-ҳавас деб ўзини қийин аҳволга солиб қўядиганлар жуда кўп. Айниқса, тўй-ҳашам, уй-жой, машинаю турли буюмлар олишда бу яққол кўринади.

Мол-дунё тўплаш бугун аксар кишиларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Ҳамма ҳам яхши яшагиси, уйларини ҳашаматли, тўйларини данғиллама қилгиси, энг сўнги русумдаги автоулов мингиси келади. Бундай хоҳишларимизнинг чеки йўқ. Битта уй иккита, оддий машина зўрига, кўп қаватли уйи ҳовли бўлсин, дея тинмаётганлар қанча. Уларга етишиш учун эртаю кеч меҳнат қилаётганлар бисёр.

Бугун хорижга ишга кетаётган айрим кишиларда ҳам шу ҳол. Бошида “Камимни битказиб олай”, деган ниятда четга отланади. Бироқ иши битса-да, уйига қайтмайди. Топаётган пуллар кўзига яхши кўриниб, йиллаб ёки буткул ўзга ўлкаларда қолиб кетяпти.

Булар орасида осон бойиш илинжида бировларни чув тушираётган, пора олаётган, ўғирликка қўл ураётганлар, ҳатто қотилликкача бораётганлар йўқ эмас.

Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, қувасойлик вояга етмаган икки шоввоз бойлик умидида тўйхонага ўғирликка тушиб, маиший техника ва қимматбаҳо буюмларни ўғирлашган. Худди шундай ғиждувонлик 15 яшар йигит холасининг уйидан беш минг доллардан ортиқ пулни ўмарган. Қинғир йўлни мақсад қилган сурхондарёлик кимса ҳам бир неча танишларини хорижга ишга юборишни ваъда қилиб, минглаб доллар пулларни ўз харжига ишлатиб юборган. Энди улар жиноятларига яраша қонун олдида жавоб беришмоқда.

Аслида қорнимиз бир коса овқату яримта нонга тўяди ёки яшашимиз учун бир уй-жой кифоя. Лекин орзу-ҳавас, мол-дунё умиди бизга тинчлик бермайди.

Аллоҳ таоло инсонни мол-дунё тўплаш учун эмас, ўзига итоат, ибодат қилиш учун яратган. Бу ҳақда Қуръони каримда: **«Мен жин ва инсонни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Зориёт сураси, 56-оят), дея марҳамат қилинган.

Афсуски, аксариятимизнинг асосий мақсадимиз орзу-ҳавас бўлиб қолган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Билингики, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, кўнгили эрмаги ва зеб-зийнатдан, ўзаро фахрланишдан, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтиришдан иборатдир... Бу дунё ҳаёти ғурурга кетказувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас”** (Ҳадид сураси, 20-оят), дея марҳамат қилади. Яна бир оятда: **“Эй одамлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин...”** дейилган (Фотир сураси, 5-оят).

Бугун мол-дунё бизни алдаб қўймайптими? Унинг кетидан қувиб умримиз ўтиб кетяпти. Неча йиллаб йиққан молимиз вақти келса, асқатаётгани йўқ.

Яна бир гап. Қуръони каримда: **“Кимки охират экинини истар экан, Биз унга**

экинни зиёда қилурмиз. Кимки дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан берурмиз, аммо унинг учун охиратда насиба бўлмас”, дейилган (*Шуро сураси, 20-оят*).

Ниятимизга яраша ҳаракат қилиб, бойлигимиз ортаётгандир. Аммо уни Аллоҳ розилиги йўлида ишлата оляпмизми?

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мен сизлар учун камбағалликдан қўрқмайман, мол-дунё тўплашда кимўзар ўйнашингиздан қўрқаман. Мен сизлар (беҳосдан) хато қилишингиздан қўрқмайман, гуноҳни атайин содир этишингиздан қўрқаман”**, деганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).


Бугун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам қўрққан иш содир бўлаётгандек. Бойлик орттиришга мусобақалашиб, ён-атрофда нималар бўлаётганидан, қариндошларимиз, яқинларимиз ҳолидан беҳабармиз. Вақтимиз фақат иш, пул топиш билан ўтпти. Лекин вақтда барака, ишда унум йўқ. Ҳеч ишга улгурмаяпмиз. Бу йўлда ўзимизга жабр қилиб бўлса-да, ниятимизга етаяпмиз. Гоҳида ҳалол-ҳаромга қараганимиз ҳам йўқ.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Кимки ўз уйида тинчликда, тани соғлом, бир кунга етадиган таоми бор ҳолда тонг оттирса, унга бутун дунё неъматлари тўлиғича берилгандек бўлибди”**, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Демак, бугун аксар юртдошларимизга барча неъмат берилган экан. Фақат бунга қаноат ва шукр қилиш лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Эҳтиёжидан ортмайдиган ризққа эга бўлиб, Аллоҳ берган ана шу ризққа қаноат қилиб яшаган мусулмон киши батаҳқиқ нажот топибди”**, дедилар (*Имом Муслим ривояти*). Биз ҳам нажот топувчилардан бўлайлик.

Ҳамроқул ХОЛБОВЕВ,
Бекобод тумани “Улуғбек” жоме
масжиди имом-хатиби



«(Сизни) инкор этувчи (ўша) неъмат аҳлини Менга қўйиб беринг ва уларга озгина муҳлат беринг!» (*Муззаммил сураси, 11-оят*).

Муззаммил сурасининг 11-ояти тафсирида **النَّعْمَةُ** [ан-наъмату] ва **النِّعْمَةُ** [ан-ниъмату] сўзлари орасидаги фарқ тўғрисида бундай дейилади: **النَّعْمَةُ** [ан-наъмату] – бандага истидрож сифатида ва ҳалокатига боис бўлиши учун бериладиган неъматлардир. Бу маъно Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида акс этган:

«Яна (қанчадан-қанча) ўзлари баҳраманд бўлган неъматларни (қолдириб кетдилар)» (*Духон сураси, 27-оят*).

النِّعْمَةُ [ан-ниъмату] – Аллоҳ таолонинг бандаларига берган фазлу икромидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **«Сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини тўқис қилиб қўйди...»** (*Луқмон сураси, 20-оят*). Валлоҳу аълам!

«(Эй Макка аҳли), дарҳақиқат, Биз худди Фиръавнга (Мусо) пайғамбарни юборганимиз каби сизларга ҳам (агар бу ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтсангизлар, қиёмат кунида) сизларнинг зиёнингизга гувоҳлик бергувчи бўлган бир Пайғамбарни (яъни Мухаммад алайҳиссаломни) юбордик”. Мусо алайҳиссалом ва унинг қавми яшаган давр Расулуллоҳга (саодат асрига) яқин бўлгани учун Аллоҳ таоло уларнинг воқеаларини маккаликларга эслатди. Чунки Мусо алайҳиссалом қавми ер юзида қирлиб кетган энг охирги қавм ҳисобланади (*Муззаммил сураси, 15-оят*).

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилоту аҳлис сунна” асаридан

Қуръонда келган фарз улушлар

Мерос илми уламолари истилоҳида “фарз” – меросхўрга тарикадан те-гувчи шариатда белгиланган муайян миқдордаги улуш. Ушбу фарз улушлар Қуръони каримда олти кўринишда, фарз улушларнинг эгалари баёни билан келди.

Ушбу улушларни Аллоҳ кўрсатганидек зикр қиламиз: 1) ярим $1/2$; 2) тўртдан бир $1/4$; 3) саккиздан бир $1/8$; 4) учдан икки $2/3$; 5) учдан бир $1/3$; 6) олтидан бир $1/6$.

Тарикани тақсимлашда “масаланинг асли” номли истилоҳ бор. Яъни тарикага нисбатан ҳақдорларнинг фарз улушларини олиб, улушлар махражларининг ҳаммасини қолдиқсиз, касрсиз бўлиш учун энг кичик умумий сонни чиқаришдир. Бунга “умумий махраж” ҳам дейилади. Масалан, бир киши вафот этиб, ортида қолдирган ворислардан бирининг улуши ярим $1/2$, бошқасининг улуши учдан бир $1/3$, яна бирининг улуши олтидан бир $1/6$. Бу улушлар махражларининг ҳаммасини касрсиз бўлиш мумкин бўлган энг кичик сон 6 дир. Шу сон ушбу мерос тақсимоотидаги “масаланинг асли” ёки “умумий махражи” дир. Энди улушларни масаланинг асли ҳисобланган 6 дан чиқарамиз, улуши ярим $1/2$ бўлган меросхўр 6 дан 3 та олади. Улуши учдан бир $1/3$ бўлган меросхўр 6 дан 2 та олади. Улуши олтидан бир $1/6$ бўлган меросхўр 6 дан 1 та олади. ($6 - 3 - 2 - 1 = 0$). Масаланинг асли ҳисобланган сон улушларга қолдиқсиз ва касрсиз тақсимланди.

Отанинг меросдаги ҳолатлари

Ворислар ҳар доим бир хил улуш эгаси бўлавермайди. Балки уларнинг қанча улуш олишида бошқа ворисларнинг бор-йўқлиги муҳим аҳамиятга эга. Юқорида келган ворисларнинг ҳар бири ҳам бошқа ворисларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги жиҳатидан турли ҳолатларда бўлишади. Шунинг учун ҳар бир вориснинг ҳолати алоҳида ўрганиб чиқилади.

Фарзанди вафот этган ота мерос олишининг учта ҳолати бор:

Марҳумнинг ўғли ёки ўғлининг ўғли борлиги. Бу ҳолатда отага қолган мол-мулкнинг олтидан бир ($1/6$) қисми тегади. Масалан, бир киши вафот этса, унинг ортидан отаси ва ўғли қолса, отага олтидан бир $1/6$ фарз улуш, қолганини ўғил асабалик жиҳатидан олади. Масаланинг асли, яъни умумий махражи 6 бўлади. Унинг 1 улуши отага қолган 5 улуши ўғилга тегади.

Ворислар	Улуш	Ум. махраждан теккан улуш	Тегадиган ҳақ
Марҳум отаси	$1/6$	1	$1/6$
ўғли	Асаба	5	$5/6$

Марҳумнинг эркак зурриёти бўлмай, фақат қизи ёки ўғлининг қизи мавжудлиги. Бу ҳолатда ҳам юқоридаги ҳолатдагидек ота фарз эгаси бўлган меросхўр сифатида $1/6$ олади. Аммо улушлар тарқатилгач, молдан бирор қисм ортиб қолса, у ҳам отага берилади. Бу ҳолат “фарз эгаси” ва “асаба бўлиш” ҳолати ҳам дейилади. Масалан, бир киши вафот этса, унинг ортидан қиз ва отаси келса, қизга молнинг ярми $1/2$, отага олтидан бир $1/6$ фарз улуш сифатида ва қолганини асабалик жиҳатидан олади. Масаланинг асли (умумий махражи) 6, қизга ундан 3, отага эса 1 тегади. Ортган 2 улуш ҳам марҳумнинг асабаси ҳисобланган отага берилади ва яқунда ҳар икки меросхўрга ярим яримдан тегяпти.

Ворислар	Улуш	Ум. махраждан теккан улуш	Тегадиган ҳақ
Марҳум қизи	$1/2$	3	$3/6$
Отаси	$1/6$ + асаба	1+2	$3/6$

Марҳумнинг умуман зурриёти мавжуд бўлмаслиги

Бу ҳолатда марҳумнинг отаси асаба ворис, яъни фарз эгаларидан қолган молни, агар улар бўлмаса, барча молни олади. Масалан, бир киши вафот этса, ортидан отаси ва онаси қолса, онага учдан бир $1/3$ фарз улуш, отага асабалик жиҳатидан қолган барча улуш. Масаланинг асли 3, ундан онага 1, отага асабалик жиҳатидан қолган барча 2 улуш берилади.

Ворислар	улуш	Ум. махраждан теккан улуш	Тегадиган ҳақ
Марҳум онаси	$1/3$	1	$1/3$
отаси	асаба	2	$2/3$

Хулоса қилиб айтганда, фарзанди вафот этган ота мана шу 3 ҳолатнинг бири орқали мерос олади. Агар марҳумнинг фарзанди бўлиб, у ўғил бўлса, отага $1/6$, қиз бўлса, отага $1/6$ дан ташқари асабалик йўли билан ҳам мерос тегиши мумкин. Бордию марҳумнинг умуман зурриёти бўлмаса, у ҳолда ота асабалик йўли билан ворис ҳисобланади.

Саиджамол МАСАЙИТОВ,
ЎМИ ҳузуридаги Фатво маркази
бош мутахассиси

Уста Маматмурод бобонинг жанозасига йиғилганларга имом Файзуллахон хожи: “Қаранг, бугун боқий дунёга йўл олган уста бобомиз ўзидан нима қолдириб кетяпти?” деган эди, ҳамма у киши яшаб ўтган ҳовлига қаради.

уларни қўлловчилар сафи кенгайди. Уста бобо бошчилигида уч-тўртта кайвони хўжалик раисига бориб, таклифларини айтишди. Раис бобо ҳам уларни ёқлаб, барча учун қулай бўлган ердан жой ажратиб берди.

Дуоларимиздаги инсон

Шунда имом: “Сизлар у ёққа эмас, бу ёққа қаранг” деб, қишлоқ ўртасида қад кўтариб турган масжидга ишора қилди. Уста бобо масжид қурилишига асос солган саховатпеша инсон эди.

Оломон қишлоғимиздаги эски масжид 1976 йили бузиб ташланган эди. Кекса намозхонлар жума намозига ўнлаб чақирим йўл босиб Самарқанд шаҳридаги “Хўжа Зудмурод” масжидига боришарди.

Мустақилликнинг илк йиллари қишлоғимизнинг 10–15 нафар ёши улуғлари ҳудуддаги бинода намоз ўқий бошлашди. Орадан вақт ўтиб шу қишлоқда истиқомат қилувчи уста Маматмурод бобо ҳашар йўли билан бўлса-да, янги масжид қуриш фурсати етганини, бунга ўзи бошқош бўлиш фикрини ўртага ташлади. Таклифни бошқалар ҳам маъқуллади. Бу гап бир зумда қишлоққа ёйилиб,

Маматмурод бобо ўз уйи учун олган 150 дона шифер ва тўйга атаб боққан хўкизини масжид қурилишига атади. Бунга кўрган ҳамқишлоқлари ҳам қараб туришмади. Қисқа вақт ичида кўркам масжид барпо бўлди.

Вақт ўтиб, масжид бора-бора қишлоқ аҳли учун торлик қилиб қолди. Шунда масжид ва маҳалла фаоллари кенгашиб, уни кенгайтириб, замонавий икки қават қилиб бунёд этишга келишиб олди. Қурилиш ишларига маҳалла фаоллари Неъмат Нуруллаев, Қаҳҳор Маматқулов, Муҳаммад Воҳидов, Ҳайитбой Абдурахмонов, Абдумажид Норбоев бош-қош бўлди.

Бу хайрли иш тезда атрофга ёйилиб, шу қишлоқда ўсиб-улғайган Самарқанд ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ҳамқишлоқлар қулоғига ҳам етиб бориб, улар ҳам ҳомийлик қилишди. Ҳамқишлоқларнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги ҳамда ҳомийларнинг кўмаги билан қишлоқ ўртасида 1500 нафар кишини сиғдира оладиган икки қаватли масжид ҳашар йўли билан қуриб битказилди.

“Оломон” масжидида 1998 йилдан буён одам қадами узилгани йўқ. Ҳозир бу муқаддас маскан янада ободонлаштирилган.

Ҳар куни намоз ўқиб бўлингач, дуога қўл очилганда уста Маматмурод бобо, масжид қурилишида бош-қош бўлганлар, усталар ва ҳомийлар ҳаққига дуолар қилинади.

Бу ҳар ким орзу қилган саодат эмасми?

Ҳамроқул МАҲМУДОВ,
Булунғур тумани



بناء المساجد

قال رسول الله ﷺ:

«مَنْ بَنَى مَسْجِدًا لِلَّهِ تَعَالَى،

يَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ،

بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ»

Йўлбошчимдир икки олам Сарвари

ЯШНАГАН БОҒИМ ВАТАН

Ватан, сен бебаҳомсан, тенги йўқ дурдонамсан,
Сени севиш иймондан, сен отамсан, онамсан!

Нечун сени севмайин, нечун сени демайин?
Томчи сув десам ўзни, Ватан, сен уммонимсан!

Суянган тоғим сенсан! Яшнаган боғим сенсан!
Сени десам яйрайман, қувонган чоғим сенсан!

Онамдек мўътабарим, отамдек улуғимсан!
Сенсиз лаҳзам йилга тенг, сен менинг соғинчимсан!

Дунёнинг ҳар четидан бўйингни кўрсатасан,
Бўйинг каби бўй йўқдир, кўкдаги қуёшимсан!

Ватан, сени жонидан устун кўради билган,
Қадрингни билмаганлар туғилган-у кўмилган...

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ,
Қўшработ тумани



БУ НАФСИМ

Дунё завқида қанот ёзар бўлди бу нафсим,
Фано базмида, ҳайхот, тўзар бўлди бу нафсим.
Оқибат ўз-ўзидан ўзар бўлди бу нафсим,
Офият, ҳақ йўлидан озар бўлди бу нафсим.

Аждарҳо мисли ямлаб, ютмоқ истайди баттол,
Лаъин ҳам ортда қолиб, ўтмоқ истайди баттол,
Жаҳаннам оташига отмоқ истайди баттол,
Ё, билмасман, бошимга етар бўлди бу нафсим.

Найрангидан қув тушдим, бўлдим расвойи олам,
Надоматлар захри – тиғ, шашқатор кўзда жолам.
Гуноҳлар гирдобиди етарми Аршга нолам,
Олиб дўзах пойига, кетар бўлди бу нафсим.

Тоабад нафс дастидан пора-пора дил, бадан,
Куяр ўзга ҳаққидан, ёнар мангу жону тан.
Лаҳза-лаҳза чўғ ютар, жаҳаннам қаъри ватан,
Маломатлар тавқида қолар бўлди бу нафсим.

Жилов сола тутмасман, ёғар бошимда бало,
Луқма олсам бедаво, ошар ошимда бало.
Ҳар нафас, ҳар он ўтар, яшар ёшимда бало,
Карбалонинг даштидан ўтар бўлди бу нафсим.

Жаҳд айлади қарорим, аҳд айладим энгмоққа,
Туздим сабр лашкарин, шахд айладим энгмоққа.
Қўмондоним дилда Ёр, бел бойладим энгмоққа,
Имон ҳукмига асир тушар бўлди бу нафсим.

Шариф ОТАХЎЖАЕВ,
Чуст тумани

УМИДВОР КЎНГИЛ

Етти қат осмондан келган энг улуғ китоб –
Қуръоннинг ҳукмига эгикдир бошим.
Тиловат қилмоқлик шараф ва савоб,
Қуръон маслаҳатчим, доно йўлбошчим.

Қуръон, тафсир, ҳадис ўқиган чоғим,
Рухимга нур сочар сирли бир қуёш.
Қадим қўлёзмалар ҳамроҳ – ўртоғим,
Улуғлар бўлади ғайбий суҳбатдош.

Ислом тимсоллари ва шиорлари,
Калималар билан югурар қоним.
Йўлбошчимдир икки олам Сарвари,
Абу Ҳанифади мазҳаб султоним.

Қариган чоғимда, эй одил Ҳакам,
Жисму шууримни айламагин шол.
Малолга қолдирма, бўлмайин қарам,
Масжидда намозда омонатинг ол.
Гарчи лойиқмасман, аммо фазлинг мўл,
Суйганим – Каломинг йўлдошим бўлсин.
Расулим, асҳоби... Умидвор кўнгил –
Жаннатда “қўшним” деб юзим кулдирсин.

Мамадияр ХУШМАТОВ,
Хатирчи тумани



АЛҲАМДУЛИЛЛАҲ, ДЕСУН...

Э ёронлар, ҳар киши зикрида “Ё, Аллоҳ” десун,
Пинҳона тутиб исмин тилда “Бисмиллаҳ”
десун.

Юзни Каъбага буриб, номини ёдга олиб,
Саждада “Субҳана Роббиял аъло” десун.

Гар киши айтар эса “Аллоҳус сомад”
жумласин,

Тасбеҳин қўлга олиб кўп “Ё Раббано” десун.

Туну сахарлар бош уриб қалбини соф айласин,
Кўзларин ёшин тўкиб “Субҳаналлоҳ” десун.

Каломуллоҳни очиб ўқуб, кўзларин
нурин тўкиб,

Тилдан қўймай номини “Ё Расулуллоҳ” десун.

Яратмиш турлик неъмат бизга ул Рабби жаҳон,
Шукрин бажо келтириб

“Алҳамдулиллаҳ” десун.

Абдусами АЗИЗОВ,
*Ургут туманидаги “Ғиштли” жоме
масжиди имом-хатиби*



ЯШАШДАН МАҚСАД

Нима учун келдим мен бу дунёга?
Аввало мен шуни билиб олайин.
Аллоҳим келтирди мени синашга,
Ўздан бориб Ўзин таниб олайин.

Оламнинг сарвари, Подшоҳи учун,
Дилимдан ҳамиша тасбеҳ айтайин.
Башарият қилиб қўйгани учун,
Ўзига минг бора шукр қилайин.

Мени ҳайвон қилиб яратиб қўйса,
Шунда ҳам яшашга мажбур бўлардим.
Ҳайвон бўлиб яшаш осон эмас-да,
Ожизмиз-да, қўлдан нима келарди?..

Мендай гўзал бир ном қолса яхшида,
Аллоҳим тилагим ижобат этсин.
Олдига борганда, ҳисоб кунда,
Менга ҳам жаннатдан жой ато этсин.

Шермуҳаммад ХОЛМАТОВ,
Марғилон шахри



ИЛМ АҲЛИН МАЖЛИСИДА БЎЛ

Аллоҳ розилигин тиласанг,
Жаннатга киришни хоҳласанг.
Бўлиб қолмайин гумроҳу гўл,
Илм аҳлин мажлисида бўл.

Вужудингни айлагин қулоқ,
Малол олма, чўзилса бироқ.
Шундагина кўз очар булоқ...
Илм аҳлин мажлисида бўл.

Унда янграйди Аллоҳ сўзи,
Ислом эрур тану илдизи.
Қуръон эрур ақлнинг кўзи,
Илм аҳлин мажлисида бўл.

Тинглаганинг поклаб қалбингни,
Олқишлайди қилган сабрингни.
Ёритади бир кун қабрингни,
Илм аҳлин мажлисида бўл.

Мухтор, охиратни ўйласанг,
Аллоҳ розилигин тиласанг.
Жаннатга киришни хоҳласанг,
Илм аҳлин мажлисида бўл.

Мухтор ФОЗИЛ,
Пиштон тумани

Муқаттаот ҳарфлари ҳақида

Қуръони карим нозил бўлгач, унинг оятлари, фасоҳати, балоғати ва мўъжизалиги ҳаммани ўз шеърлари билан қойил қолдирган сўзамол арабларни ҳайратга солди.

Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломга муқаттаот ҳарфлар билан бошланган сураларни нозил қилгач, улар мушрикларнинг эътиборини тортди ва улар Қуръонни тинглашни бошлади.

Қуръони каримнинг йигирма тўққиз сураси муқаттаот ҳарфлар билан бошланади. Ва қайси ҳарфлар билан бошланса, шу ном билан аталди.

“Муқаттаот” “узилганлар” демакдир. Уламолар уларни “Ҳуруф ал-фаватих”, “Аваъил ас-сувар” ва “Фаватих ас-сувар” деб аташади” дейди.

Саҳоба ва мутақаддим уламолар: “Муқаттаот ҳарфларнинг маънолари Аллоҳга маълум ва уларнинг ҳақиқий маъноларини бандалар билмайди”, дейишган.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Муфассирлар сураларнинг аввалидаги муқаттаот ҳарфларнинг тафсири борасида ихтилоф қилишди. Ихтилофнинг сабаби, улар ҳақида на Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ва на саҳобалардан ривоят йўқлигидир.

Бақара ва Оли Имрондан бошқа муқаттаот ҳарфлар билан бошланган барча суралар Маккада нозил бўлган.

Баъзи муфассирлар муқаттаот ҳарфларини тафсир қилишга интилишган. Баъзилар: “Улар сураларнинг исми” деса, айримлар: «Ҳар бири Аллоҳнинг исм ва сифатларидан бирига далолат қилади. Масалан, Бақара сураси аввалида келган **الم** **калимасидаги** “алиф” Аллоҳ, “лам” Латиф, “мим” Мажид исмини билдиради» (“*Мухтасору тафсири Ибн Касир*”), дейди. Баъзилар: «**الم** калимасидаги “алиф”дан мурод “Аллоҳ”, “лам”дан мурод “Жаброил”, “мим”дан “Муҳаммад” алайҳиссалом», дейди (“*Баҳрул улум*”).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: “Бу Аллоҳнинг исми аъзамидир”, деган (“*Мадорикут танзил ва ҳақоиқут таъвил*”). Баъзи муфассирлар: “Суралар бошидаги бу ҳарфлар инсонларнинг ожизлигини кўрсатиш учун келтирилган. У ҳарфлар инсонлар сўзларида учрайдиган ҳарфлар бўлса-да, улар бирор оят ё сурага монанд нарсга келтиришдан ожиздир”, дейишган.

Абдурасул АБДУЛЛАЕВ,
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти*



Амал дафтарингиз ёпилмасин

Милодий 611 йил. Макканинг Ҳиро ғорида Аллоҳ таолодан инсониятга илк хитоб нозил бўлди: **“Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди”** (Алақ сураси, 1–5-оятлар).

Шу кундан эътиборан Ислом умматига ўқиш, илм олиш фарз бўлди. Бу амалга “Лаббай” дея жавоб берган қанча саҳобалар, тобеинлар ва кейинги мўмин-мусулмонлар ўзларидан кўплаб бебаҳо маънавий асарлар қолдиришди. Уларнинг илм зиёси бугунгача башариятга маёқ бўлмоқда.

Инсон илм билан икки дунёда азиз бўлади. Билмаганини билади, дунёни англайди, янги марралар сари интилади. Энг асосийси, Яратганни янада яхшироқ танийди. Илм эгасини эса Аллоҳ фаришталар қаторида зикр қилади ва уларга юқори даражалар ато этади.

Бу ҳақда Қуръони каримда: **«Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”, фаришталар ва илм эгалари ҳам...»** (Оли Имрон сураси, 18-оят). **“...Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур...”** (Мужодала сураси, 11-оят), дейилган.

Илмни ёшлиқдан фарзандига ўргатиш ҳар бир ота-онанинг вазифасидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Болаларингизга меҳр кўрсатинг, уларга ҳурмат билан қаранг, одоб ва тарбиясини гўзаллаштиринг!”** дея илмга тарғиб қилганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Бу сўзлар Конституциямизнинг 77-моддасида ҳам акс этган: **“Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғам-хўрлик қилишга мажбурдирлар”**.

Демак, фарзандларимизни илмли, касб-хунарли қилиш динимиз буйруғи ва қонуний мажбурият. Лекин бу мажбуриятни барча ота-оналар ҳам тушуниб етмаяпти. Фарзандини ўқишга рағбатлантириш, етук инсон қилиб тарбиялаш ўрнига беъэтибор бўлаётганлар, афсуски, орамизда йўқ эмас.

– Ҳозир “Эти сизники, суяги бизники”, дейдиган ота-оналар деярли йўқ, – дейди Бағдод тумани 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Дилафрузхон Сулаймонова. – “Болам қайсар, яхши гапирсам, айтганимни қилади”, дея боласини эркалаётганлар кўп. Бундай фарзандларнинг аксари ўқишга қизиқмайди. Ота-оналар боласининг кўнглига қараши тўғри. Аммо уни илмга қизиқтириши, юриш-туришини назорат қилиши керак. Кези келганда эркалатиши, кези келганда қаттиқ туриши ҳам лозим. Моддиятини таъминлаб қўйган билан маънавий ҳеч вақо бера олмаса, эртага ким бўлади улар? Боланинг ёмони ёки иқтидорсизлиги бўлмайди. Ҳар бир ўқувчида ўзига хос иқтидор бор. Уни шакллантириб, тўғри йўналтирмоқ ота-онанинг вазифаси. Яқинда бир аёлчи қизимизнинг аҳволини эшитиб дилим оғриди. У ўқишга кириш ўрнига ўзини пул топишга урибди. Унинг тенгқурларидан қанчаси олий ўқув юртлари талабаси бўлди. Бунга кўриб ўша қиз анча афсус-надомат қилди.

Конституциямизнинг 50-моддасида: **“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга... Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир”**, дея қайд этилган.

Демак, фарзандимизнинг билим олиши – унинг конституциявий ҳуқуқи. Бундан юртимизда туғилган ҳар бир бола фойдалана олиши мумкин. Унга қаршилик қилиш эса конституцияга зид ҳисобланади.

Айни дамда республикамызда бошланғич ва ўрта таълимни олиш мутлақо бепул. Бунинг учун эса давлат ғазнасидан миллиардлаб маблағ сарфланади. Болаларимиз мактабларда илмли бўлиб чиқаётган бўлса, бу пуллар ўзини оқлади дейиш

мумкин. Агар акси бўлса-чи? Бу ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам вақти беҳуда кетаётганидан, бюджет маблағлари исроф бўлаётганидан дарак эмасми? Бунга асосий жавобгар ота-онага юкланмайдими?

Қуръони каримда: **“...Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир”** (Исро сураси, 26–27-оятлар), дейилган.

Ўзимиз тақво қилиб, тоат-ибодатдадирмиз, ҳалол-ҳаромни фарқи-га борармиз. Бироқ фарзандимиз ҳам ўзимиз каби бўла оляптими? Вақтини беҳудага совуриб, исрофгарлардан бўлмаптими? Уни назорат қилмасдан, беътибор қўйиш унга шерик бўлиш каби эмасми?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ахлоқли ва жамиятга фойда келтирадиган фарзанд ўстирган ота-онанинг амал дафтари вафотидан кейин ҳам ёпишмайди”**, деганлар (Имом Насоий ривояти).

Демак, фарзандимизнинг солиҳ инсон бўлиши бизни икки дунё саодатига элтиши мумкин. Бунга эришмоқ учун уларга илму ҳунар ўргатмоқ, ҳақиқий маърифат чашмасини англатмоқ даркор.

Муҳаммаднаби ОРИПОВ



Муҳаммаднаби Орипов 1972 йили Фарғона вилояти Риштон туманида туғилган. 2005 йилда “Кўкалдош” мадрасасини, 2020 йилда Тошкент ислом институтини та-

момлаган.

2005 йилдан буён “Хўжа Илғор” жоме масжиди имом-хатиби ва Риштон тумани бош имом-хатибидир.

Намознинг ўз вақтида ўқилиши ҳақида

«Фақат намозхонлар бундан мустасно. Улар намозларида доим бўладиганлардир» (Маориж сураси, 22–23-оятлар).



Бунинг маъноси шуки, яна ҳам Аллоҳ билувчирок, намозхонлар ўз нафсларини тарбиялайдилар, ҳатто (бу орқали) нафсни яратилишдаги хилқатидан чиқариб оладилар. Аллоҳ таоло яна шуни баён қилмоқдаки, намозни дангасалик билан адо этадиган, унда бардавом бўлмайдиган, ўз молларидан истамаган ҳолда хайр-эҳсон қиладиган кимсалар (улар на намозни баркамол адо этадилар ва на нафсларини тарбия қиладилар) эмас, ўз нафсларини тарбиялайдиган зотлар – айнан ана шу инсонларгина намозларини қоим қиладилар.

“Намозларида доим бўладиганлардир” оятидаги “доим бўлиш” (фазли) уларнинг билган нарсаларига қатъий амал қилишларида, яъни намозни ўз вақтида ва давомли адо этишларида намоён бўлади. Намозда мунтазам бўладилар, деганда уларнинг ҳамиша намоз ичида бўлишлари тушунилмайди. Буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Амалларнинг Аллоҳ таолога энг суюклиси оз бўлса-да, давомли бўлганидир”**, ҳадиси орқали тушуниб олишингиз мумкин. Зеро, у зот алайҳиссалом **“давомли бўлганидир”**, деганларида мўминларнинг ҳамиша мазкур амаллар ичида бўлишларини эмас, балки ўша амални ўз зиммаларига вожиб қилиб олган вақтга қатъий риоя қилишларини назарда тутганлар. Чунки мўминлар доимий равишда ўз амаллари ичида қоладиган бўлсалар, уларнинг амаллари кўп ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилоту аҳлис сунна” асаридан

Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

КАЪБ ИБН АШРАФНИНГ БАРТАРАФ ҚИЛИНИШИ

Хижратдин икки йил ўтиб, учинчи йил кирди (624 й. июнь–июль). Яҳуд раисларидан Каъб ибн Ашрафни Пайғамбаримиз йўқ қилишга буюрдилар. Бунинг воқеаси: Мусулмонлар Бадр ғазотида ўзларидан уч баробар ортиқ душманларини енгдилар. Раисларидан етмиш киши ўлдирилиб, шу баробарида қилич саркутларини¹ асир олиб, Мадинага келтирдилар. Буни кўрган ички-ташқи душманларнинг ичларига ўт кетди. Айниқса, Мадина атрофидаги яҳудлар ва ҳам буларга тилакдош бўлган Мадина мунофиқлари бу ишга қаттиқ қайғуришди.

Каъб ибн Ашраф Бани Назир яҳудларининг бош раиси эди. Ҳар қачон Бадр ғазотида ўлдирилган Қурайш раисларининг сўзлари чиқса, “энди бизга ер устида юрганимиздан, остида ётганимиз яхшироқ”, дер эди. Кундин-кунга бунинг ҳасад ўти аланга уриб, душманлиги ҳаддидан ошди. Бозорда ўлдирилган Қурайш чўнглари ҳақида айтган шеърларини ўқиб йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатур эди.

Бунга ҳам қаноат қилмасдан, Маккага бориб Қурайш халқининг йиғилишларида ўлтириб, Бадрда ўлдирилганларга ёзган шеърларини ўқиб йиғлади. Бутун халқ ҳам йиғлашиб, Пайғамбаримизга қарши қўзғалдилар. Қурайш ичида фитна ўтини ёқиб, у жойдин қайтиб, Мадинага келди. Яна тинч турмасдан, Мадина хотун-қизларини қўшиб, номус қилгудек шеър айтишга киришди. Пайғамбаримиз қанчалик сабр қилдилар эрса, унинг адабсизлиги борган сари ошгани турди.

Унинг куни битиб, паймонаси тўлган бўлса керак, бир куни Расулуллоҳ:

– Каъб ибн Ашрафга татийдиган киши борму? Унинг озоридан Худо

пайғамбарини ким қутқаза олур? – дедилар. Анда Муҳаммад ибн Маслама:

– Ё Расулаллоҳ, мен қутқазурман. Лекин душманни қўлга туширгунча ёлғон сўзлашга ва ҳийла қилишга рухсат қилурсиз, – деди.

Шунинг билан беш киши йўлга тушдилар. Бир кун йўл юришиб, манзилга етишди. Муҳаммад ибн Маслама йўлдошларини қолдириб, ёлғиз ўзи у билан кўришгали борди. Кўришгандин сўнгра:

– Бу киши келгандин бери бизларга кўп қийинчиликлар туғилди. Шу кунларда солиқ солиб, бизлардин мол олмоқчи бўлиб туради. Ҳозирча қўлимизда нақд молимиз йўқлиги учун сендин қарз сўраб келдик, – деди. Бу сўзни англагач, суюнганидан гулдек очилиб кетиб:

– Ҳали шошманглар, кўргулик кунлар олдинглардадур. Бундин сўнгра у сизларни кўп зериктиргай. Мендин қарзга мол олур бўлсангиз, мен сўраган нарсани гаровга қўйғайсиз, – деди. Муҳаммад ибн Маслама:

– Гаров қўйғали нима келтиргаймиз? – деб андин сўради. Анда у:

– Хотун-болаларингизни гаров қилиб берсангиз бўлур, – деди. Бу сўздин кўнгли қаттиқ оғриган бўлса ҳам, яна сабр қилмоқдин ўзга чораси йўқ эди. Сўнгра Муҳаммад ибн Маслама:

– Араблар ичида сенинг яхшилик билан атоғинг чиқмишдур. Аммо хотун-болаларимизни гаровга қўймоқ энг оғир ишдур. Биз учун бу иш имкониятдан ташқари, ор-номус келтиргай. Агар бизга яхшилик қилиш кўнглингда бўлса, рухсат қил, яроғжабдуқларимиздан келтириб, сенга гаров топширайлик, – деди. Шу сўзга келишиб, бошқалар билмасун учун кечалаб келмакка ваъдалашдилар. Сўнгра Муҳаммад ибн Маслама тун қоронғисидида тубандаги тўрт киши билан келди:

1. Абу Ноила, Каъбнинг эмакдоши эди, бу ҳийлада кўпроқ шу кишининг сўзига ишонди.

2. Аббод ибн Бишр.

3. Ҳорис ибн Авс.

4. Абу Абс ибн Жабр.

Буларнинг барилари ансор саҳобаларидан эдилар. Ҳаммалари бирга эшик олдига келиб, Каъбни чақиришди. У янги олган хотуни билан тўшакда ётган эди. Чақириш товушини эшитиши билан дарров туриб чиқмоқчи бўлди. Хотуни:

– Ўртада душманлик ўтган кишилар олдига кечада югуриб чиқиш яхши эмасдур, сен нечук чиқурсан? – деди. Анда у айтди:

– Мени чақиргувчи эмакдошим Абу Ноиладур, эр йигит ўлтурулмакка чақирса ҳам, олдига чиққай, – деб қилич осиб қаршиларига келиши билан туш-тушдин (тараф-тарафдин) қилич солиб, парча-парча қилдилар². Шунинг билан бунинг шарридан мусулмонларни Худо қутқазди.

ҒАТАФОН ҒАЗОТИ

Бу воқеа шундоғ эдиким, Ғатафон (Ғатфон) қабиласининг араблари Дусур (Ғаврас) отлиқ бир кишини ўзларига раис сайлашиб, Мадинани босиб олмоқчи бўлдилар. Бу хабар Расулulloҳга етди. У босмачилар қўзғолиб, иш улғаймасдин олдини олмоқ лозим бўлди. Шунинг учун тўрт юз эллик киши билан алар устига тезликда юриш қилдилар. Буни англашиб, душманларга қаттиқ қўрқуниш тушди. Ўлтирган жойларидан туришиб, тоғ бошларига қочишди.

Аммо Пайғамбаримиз шу юрганларича Зу Амр деган сув устига келиб, шу жойда қўшин қурдилар. Шу куни қаттиқ ёғин бўлиб, бариларининг кийими хўл бўлган эди. Шу орада ҳаво очилиб, кун қизишга бошлади. Расулulloҳ бошлиқ ҳамма аскарлар хўл кийимларини ечишиб, қуритмоқчи бўлдилар. Уларни ёғочлар устига осишиб, остида салқинлаб ётишди. Бутун аскар тарқалиб, Расулulloҳ ҳам бир дарахт соясида ёлғиз ётган эдилар. Устиларида қоровул бўлгудек одам йўқ эди. Чунки Аллоҳдин ваҳий келиб:

وَاللّٰهُ يَعْصِيكَ مِنَ النَّاسِ

“Валлоҳу яъсимука минан-нос” [Моида, 5/67], яъни “Аллоҳ сени кишиларнинг зиёнидан сақлайди”, деган оят нозил бўлган эди. Шу оят тушгандан кейин Пайғамбаримиз:

– Бундин сўнгра мени қўримоққа ҳожат

йўқдур. Аллоҳ Ўзи сақламоққа ваъда берди. Энди бундин кейинги кунларда ғанимлар томонидан ҳеч қандай зиён-заҳмат иш менга етмайди, – дедилар³.

Бу сўзни англашгандин сўнгра саҳобалар Пайғамбаримиздан кўнгиллари тинчиб, дарахтлар остига тарқалиб кетган эдилар. Тоғ бошидан қараб турган мушриклар раиси Дусур буни кўриб, кўнглига шайтон кирди. Расулulloҳнинг ёлғиз қолганликларидан фойдаланиб, қасд олмоқчи бўлди. Сақлагувчи Аллоҳдин хабари йўқ, яширин йўллар билан юриб, Расулulloҳ устиларига келди, қилич урмоқ қасди билан қўл кўтарган эди, шу чоғда Расулulloҳ уйқудин уйғониб қолдилар. Қарасалар, бир киши қўлида қиличини яланглаб:

– Эй Муҳаммад, энди сени менинг қўлимдан ким қутқара олмай? – деди.

Анда Пайғамбаримиз: – Аллоҳ қутқармай, – дедилар.

Шу билан оёқ-қўли қўрқинчдан қалтираб, қилич қўлидан тушди. Дарҳол Расулulloҳ қилични қўлларига олиб:

– Энди сени ким қутқара олур? – дедилар. Ул ҳам:

– Ўзингдан ўзга қутқарувчи йўқдур, – деб кечирим ўтинди. Расулulloҳ ҳам уни афв қилдилар. Бундай олижанобликни кўргач дарҳол имон келтирди⁴.

Орқада қолган қавмларини динга далолат қилгач, алар ҳам динга кирдилар. Бир зум илгари қандай қаттиқ душманликда турган қора ниятли кишилар Расулulloҳнинг гўзал қилиқларини кўриб, кўнгиллари имон нури билан ёришди. Аларнинг душманликлари бир дамда дўстликка айланди.

Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан

Давоми бор...

¹ Қилич кўтара оладиган, уруша оладиган, деган маъно англашилмоқда.

² Ибн Қайюм Жавзий. Зодул-маод (тарж.), т. 3, 235-бет.

³ Имом Термизий. Тафсиру сура (5) 4; Насоий. Сунаул-кубро, 9/8.

⁴ Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад, 3/365.

Куннинг баракаси тонг билан

Абу Молик Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Сизлардан бирингиз тонг отганида ва кеч кирганида бундай десин: “Биз ҳам, мулк ҳам оламлар Парвардигори Аллоҳники бўлган ҳолда тонг оттирдик. Эй Раббим, бу куннинг яхшисини, фатҳ бўлишини, ғалабасини, нурини, баракасини, ҳидоятини сўрайман. Сендан бу куннинг ва бу кундан кейингисининг ёмонлигидан паноҳ тилайман”»**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Банда саҳар вақти уйғониб, Аллоҳ таолодан тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, ризқ, барака ва бошқа кўплаб яхшиликларни сўраса, куннинг ёмонлигидан паноҳ тиласа, кун давомида ана шу дуоларининг ижобатини топади.

Тонгда тинчлик-омонликда, соғу саломатликда, оиласи бағрида уйғонишнинг ўзи катта неъмат. Шунинг учун ҳам тонгда соғу саломат уйғонганини улкан давлат деб билиши, ато этилган неъматлар учун шукрни канда қилмаслиги лозим.

Имом Табаронийдан ривоят қилинган машҳур бир ҳадисда жаноб Пайғамбаримиз

соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларга қарата бундай дедилар: **“Сизлар қандай тонг оттирдиларингиз?”** Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, биз Аллоҳга иймон келтирган ҳолда тонг оттирдик”, дейишди.

У зот яна: **“Иймонингизнинг аломати нима?”** деб сўрадилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, иймоннинг аломати Аллоҳ таоло томонидан келадиган балоларга сабр қилиш, мўл-кўлчиликка шукр қилиш ва қазои қадарга рози бўлишдир”, деб жавоб беришди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳақиқатда сизлар чин мўминсизлар”**, деб марҳамат қилдилар.

Шундай экан, эрта тонгни уйғоқ ҳолда қарши олиб, куннинг яхшиликларига мушарраф бўлиш ҳаммамизга насиб қилсин. Зотан, Аллоҳ таолонинг беҳисоб неъматларига шукр қилган, синовларга сабр қилиб, тўқчилиги йўқчиликка рози бўлса, улкан ажр-савоблар қозонади.

Дилмурод СОДИҚОВ
тайёрлади.

Саломатлик сирлари

Эрталабки муолажалар

Эрталаб уйғониб беш марта чуқур нафас олинг, беш сония нафасни ушлаб туринг ва оғзингиз орқали бу нафасни чиқариб юборинг. Бу машқ асаб тизимида фойдали, қувватингиз ошиб, тетик бўласиз.

Уйқуга ётишдан олдин ҳам ушбу машқни такрорлаш орқали асаб тизимини фаоллаштириш мумкин. Бу соғлом уйқу кафолатидир.

Халқ табобатида ичак тизимини яхшилаш ва ич қотишини даволаш учун эрта тонгда ётоқдан турмасдан қорин соҳасини соат стрелкаси бўйлаб уқалаш фойдали саналади.

Чалқанча ётиб, киндикдан 2 см пастроққа икки қўл

бармоқлари қўйилади. Сўнг-ра чуқур нафас олиб, бармоқлар билан қаттиқ босилади. Бу машқ икки дақиқа давом этади. Машқни ҳар куни 3–5 маротаба бажариш лозим.

Кўз нуруни яхшилаш учун ҳар куни наҳорда битта шолғом пишириб ейилади. Кечки уйқуга ётишдан олдин кўзга бармоқ учига озгина сурма сурилади. Бу кўз учун ниҳоятда фойдали саналади.



Эрталаб бир финжон сув ичакларни тозалашга, ошқозонности беи ва ошқозон ишини яхшиланишига ёрдам беради.

Уйғонгандан сўнг бир финжон илиқ тоза сув ичинг. Ярим соатча ўтиб, яна бир пиёла илиқ сув ичинг, кейин нонушта қилинг.

Бу ошқозон ювилишига ва кун давомида кишининг тетик бўлишига ёрдам беради.